

Vatandin yaxshi yor bo'lmas!

VATANDOSH

www.vatandosh.com | The First Uzbek Newspaper in the U.S. | AQShdaги биринчи ўзбекча газета 2011 йил, 15 август, 8-сон

МЕДВЕДОВГА ОШ ПИШИРГАН ЎЗБЕК ЙИГИТИ



Баҳриддин Чустий (Нажмиддинов) 1984 йил Наманган вилоятининг Чуст туманида туғилган. Ўзбек Миллий таомлари ошпази.

Сочида Россия Президенти Дмитрий Медведевга шахсий ошпазлик қилиб, ўзбек паловини пиширган.

8-9-бетларда

«МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ»ГА ИШОНАСИЗМИ?



«Кийимларнинг очиқ ва тарангини танланг. Севги можаролари билан банд бўлишингиз мумкин».

Муҳтарам мунажжимлар мазкур сўзлари билан нимани тарғиб қилаётганлари таҳлилини бироз кейинга қўйиб турайлик-да, аввало, ҳозирда алоҳида илм сифатида эътироф этилаётган бу соҳанинг аслида қанчалик тўғри ёки нотўғри эканига эътибор қаратайлик.

10-бетда



ЯХШИ АДВОКАТНИ ҚАНДАЙ ТОПИШ МУМКИН?

АҚШда истиқомат қилаётган ватандошларимиз орасида турли ҳуқуқий муаммоларга дуч келиб, адвокат қидирувчилар кўп учрайди. Ҳуқуқий муаммо қисқа муддатда ва сизнинг фойдангизга ҳал бўлиши учун сиз танлаган адвокат малакали ва ўз касбига фидойи бўлиши керак. Аксинча, малакаси паст ёки инсофсиз адвокатга дуч келсангиз, пулингиз ва вақтингиз зое бўлиши билан бирга, сиз учун ҳаёт-мамот масаласи бўлиб турган муаммоингиз ҳам сизнинг фойдангизга ҳал бўлмаслиги мумкин. Хўш, АҚШда малакали адвокат ёллашда нималарга эътибор бериш керак?

4-бетда



АҚШ ФУҚАРОЛИГИ САРИ ОДИМЛАР: НАТУРАЛИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИ НИМА?

Доимий яшаш ҳуқуқига эга бўлганлар учун АҚШ фуқаролигини олиш тартиби

7-бетда

МАНХЕТТЕНДА ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ ҲИЛПИРАЙДИ



Нью Йорк шаҳри марказида, Манхеттенда, 31 август куни Ўзбекистон байроғи кўтарилди. Маросим Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланиб, Туркистон-Америка жамияти томонидан ташкил этилмоқда.

2-бетда

“ХОРИЖДА ИШЛАБ КЕЛГАН ҚАЙНОТАМИЗГА МИНГ САЛОМ” (Лондонлик ўзбеклар ҳаётидан)



Лондонда қайси ўзбекдан сўраманг, 25-рақамли қизил автобусни билади. Тошкентдаги, Сирғалидан Мустақилликка қатнайди, 57-автобуснинг алтернатив варианты: тиқилинч, шовқин, ҳаёт қатнайди...

6-бетда

КХАЙМАНС

Доставка товаров в Узбекистан

Надежность, Оперативность и высокое Качество обслуживания



USA
3075 Brighton 14 street,
Apt.44b Brooklyn,
New York. 11235-5561
Tel: +13477223850
+14077220408



E-mail: info@khaymans.com
Web: www.khaymans.com



Ўзбекистон
3 ул. Муқимий,
Яккасарайский р-н,
Ташкент.
Тел: +99871 2806224
Моб: +99897 1113326

АРЕСТОВАНЫ?

ЗВОНИТЕ 24 ЧАСА, 7 ДНЕЙ В НЕДЕЛЮ 718-376-6466

LAW OFFICES OF BUKH & ASSOC., PLLC ATTORNEYS & COUNSELORS AT LAW

АРКАДИЙ БУХ

New York, New Jersey & Nevada License

- РАЗВОДЫ И СЕМЕЙНОЕ ПРАВО
- ИММИГРАЦИОННЫЕ УСЛУГИ

- ЗАЩИТА В ФЕДЕРАЛЬНОМ СУДЕ
- БЕСПЛАТНЫЕ КОНСУЛЬТАЦИИ

T: 718-376-6466 F: (718) 376-3033
1123 Ave Z Brooklyn, NY 11235
www.bukhlaw.com

ОДИН ИЗ НЕМНОГИХ АДВОКАТОВ, ПРЕДСТАВЛЕННЫХ
В ГАЗЕТАХ: NEW YORK TIMES, ASSOCIATED PRESS,
DAILY NEWS И НА ТЕЛЕКАНАЛАХ: CBS, REUTERS



Газетага сайтимиз орқали обуна бўлишингиз мумкин: www.vatandosh.com/obuna

МАНХЕТТЕНДА ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ ХИЛПИРАЙДИ



Ню Йорк шаҳри марказида, Манхеттенда, 31 август куни Ўзбекистон байроғи кўтарилади. Маросим Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланиб, Туркистон-Америка жамияти томонидан ташкил этилмоқда.

Ҳар йили мустақиллик байрами арафасида Ню Йорк марказида Ўзбекистон Республикаси байроғини кўтариш Америкадаги ўзбеклар жамияти учун аънаанага айланган.

“Ҳар йили биз байрамда Манхеттенда Ўзбекистон байроғини кўтарамиз, – деди биз билан суҳбатда Туркистон-Америка жамияти президенти Абдуллоҳ Хўжа. – Бу йил ушбу тадбирни ўтказишимизга тўртинчи йил бўляпти”.

Тадбир 31 август куни Манхеттендаги «Bowling Green Park» худудида ўтказилади. Байроқ кўтариш маросими соат 11 да бошланади. Тадбирда Туркистон-Америка Жамияти раҳбарияти ва аъзолари, Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонаси ва Ню Йоркдаги Бош Консуллиги ходимлари, Ўзбекистоннинг БМТдаги вакили, Бухоро яҳудийлари жамоаси, Ню Йорк шаҳар маъмурияти вакиллари ҳамда ўзбекистонликлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этиши кутилган.

“Барча ватандошларимизни ва дўстларимизни ушбу тадбирда қатнашишга таклиф этамиз, – деди Абдуллоҳ Хўжа. – Биз эрталаб тўққизда Ню Жерсидан келувчилар учун автобус ташкил этилган”.

Кўтариладиган Ўзбекистон байроғи 10 метр катталиқда бўлади. У Манхеттенда бир ҳафта давомида осилиб туради.

Шу куни тадбирда ўйин-кулги ҳам бўлиб, миллий мусиқа ва кўшиқлар ижро этилади. Унда Ўзбекистондан келган санъаткорларнинг чиқиш қилиши кутилмоқда.

Туркистон-Америка жамияти нодавлат-нотижорат ташкилоти бўлиб, собиқ Иттифоқ даврида ватандан чиқиб Америкага келиб қолган туркистонликлар томонидан 1958 йилда ташкил этилган.

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ 29 МЛН.ГА ЯҚИНЛАШДИ



Давлат статистика кўмитаси эълон қилган хабарга кўра, Ўзбекистон аҳолиси сони 28 млн. 639, 000 га етди. 2010 йил охирида аҳоли сони 28 млн. 234, 000 эди. Ўсиш суръати 1.4 фоизни ташкил этмоқда.

Янги маълумотга кўра, ҳозирда Ўзбекистон аҳолисининг 14 млн. 697, 000 нафари, бошқача қилиб айтганда, 51.3 фоизи шаҳарларда яшайди. Туғруқ даражаси январдан июнгача 18.8 про милни ташкил этган. Бу ўтган йилги шу даврга қараганда 1.6 про милга кам.

Ўлим даражаси 4.8 про мил бўлиб, бу ўтган йилги кўрсаткичга қараганда 0.2 про милга кўп.

Июнь ойи охиригача Ўзбекистонда янги 113,600 никоҳ ва 9,000 ажралиш рўйхатдан ўтказилган.

УЛУҒБЕК ҚОДИРОВ ЎЗИГА ҚЎЙИЛГАН АЙБЛАРНИ РАД ЭТДИ



Обама ҳаётига қасд қилганлик ва ноқонуний қурол сақлаганлик айблари билан ҳибсга олинган ўзбекистонлик Улуғбек Қодиров иши юзасидан Алабама штати Бирмингем шаҳрида суд бошланди. Дастлабки суд тингловида Қодиров ўзига қўйилган айбларни рад этган.

Бир минутдан оз давом этган суд муҳокамасида Улуғбек Қодиров гапирмаган. Унинг адвокати Ланс Бел (Lance Bell) Қодиров ўзига қўйилган айбловларни инкор этишини айтган.

Улуғбек Қодиров ишига оид маълумотлар давлат хавфсизлик хизматлари томонидан махфий сақланмоқда.

“Мен ўрганиб чиқишим учун Қодиров ишига оид маълумотлар махфийликдан чиқарилиши керак”, деб айтган адвокат Бел.

Шунингдек, автоматик қурол ва граната сақлаш бўйича қўйилаётган айблар ҳақида адвокатнинг айтиши-

ча, бу қуролларни Улуғбекка айнан федерал хизматчилар берган. Бу қуроллар аслида Улуғбекда бўлмаган, дейди у.

Улуғбек Қодиров АҚШ федерал ва маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг махфий тазрда олиб борган амалиётлари натижасида 13 июл куни Алабама штатининг Пелхам шаҳарчасида махфий “FBI” ходимдан қурол сотиб олаётган пайтда қўлга олинган эди.

Қодиров қўлга олинганга қадар Пелхамдаги “Oak Mountain Lodge” меҳмонхонасида яшаган. Федерал ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари унинг хонасидан бир неча турдаги қурол-аслаҳаларни ҳамда жиҳодга чақирувчи қўлланмаларни ҳам қидирган. Бироқ қидирилган бу ашёлар хонадан топилмаган.

Қодиров АҚШга 2009 йилнинг июн ойида талаба визаси билан келган. Ню Йорк шаҳрида АСА коллежида ўқиган. Коллеж ходимларидан бирининг “Ватандош”га айтишича, Улуғбек АСАда уч ой ўқиб, кейин дарсларга келмай қўйган. Бирор ўқув юртида тахсил олмагани учун 2010 йилнинг 1 апрелида Улуғбекнинг визаси бекор қилинган. Шундан бери у ноқонуний муҳожириликда яшаган.

Агар айбдор деб топилса, Улуғбек Қодиров бир неча ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиниши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР РОССИЯ ҲАҚИДА ИЖОБИЙ ФИКРДА



Россия ва Россия сиёсатдонлари обрўси Ўрта Осиёда ҳануз баланд. АҚШнинг оммавий сўровлар ўтказувчи “Gallup” маркази яқинда эълон қилган янги маълумотлар шундай хулоса бермоқда.

Россияни қўллаб қувватлаш бўйича Ўзбекистон собиқ Совет Иттифоқи республикалари орасида учинчи ўринда. Ўзбекистон халқининг 81 фоизи Россия етакчилари юритаётган сиёсатни қўллаб қувватлашини айтган.

Дунёнинг 104 ўлкасида ўтказилган оммавий сўров натижалари бутун дунё миқёсида Россия раҳбариятининг обрўси тушаётганини кўрсатган бўлсада, азалдан Россия таъсири остида бўлган мамлакатларда Россия обрўси ҳануз юқори экани аниқланган.

Россия раҳбарияти фаолиятдан қониқасизми, дея сўралган саволга бутун дунё бўйича берилган жавобларнинг ўртача 27 фоизи ҳа деб, 31 фоизи йўқ деб жавоб берган. Дунё аҳолисининг 33 фоизи бирор жавобга эга эмаслигини айтган. Айтишу саволга собиқ Совет Иттифоқида яшовчиларнинг 61 фоизи ижобий жавоб берган. Фақат 14 фоизи қониқмаслигини айтган.

Совет Иттифоқи таркибида бўлган мамлакатлар орасида Россия етакчилари сиёсатини энг кўп қўллаб қувватловчи ўлка Тожикистондир. Бу ерда сўровда қатнашган аҳолининг 94 фоизи Россия раҳбарияти тўғри сиёсат олиб бормоқда, деган фикрда. Бу рўйхатда кейинги иккинчи ва учинчи ўринларни Қирғизистон (84%) ва Ўзбекистон (81%) эгаллаган.

Собиқ Иттифоқ аъзоларининг Россия сиёсатини қўллаб қувватлаши бу ўлкалар иқтисодининг ҳануз Россияга боғлиқлиги билан изоҳланади. Халқаро Валюта Фонди маълумотида кўра, биргина Тожикистонда 2008 йил мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 50 фоизини Россиядан тожикистонлик меҳнат муҳожирилари олиб кирган маблағ ташкил этган.

Собиқ Совет Иттифоқи худудидан ташқари, Россияга энг кўп хайрихоҳ бўлган ўлкалар Африка мамлакатлари бўлиб чиқди. Совет Иттифоқи Африка халқларига кўп моддий ёрдам кўрсатгани боис бу худудда Россия ҳануз азалий дўст сифатида кўрилади. Мали аҳолиси 84 фоизининг Россия ҳукумати сиёсатидан мамнун экани бунга яққол далилдир. Аммо бу худудда АҚШ аллақачон одамлар кўнглини эгаллаган кўринади. Африка халқларининг ўртача 48 фоизи Россия сиёсатини ёқлаб овоз берган бўлса, худудда АҚШ ҳукумати қарашларини ижобий баҳоловчилар сони 68 фоизни ташкил этмоқда.

АҚШнинг ўзида аҳолининг 52 фоизи Россия юритаётган сиёсатдан рози эмас. 21 фоиз аҳоли бу ҳақда ижобий фикрда бўлса, қолганлар ўз фикрига эга эмаслигини айтган.

Осиёда Афғонистон ва Покистон Россиядан энг кўп норози мамлакатлар экани аниқланган. Афғонистонликларнинг 74 фоизи ва покистонликларнинг 60 фоизи Россия юритаётган сиёсатдан норози. Россиянинг Афғонистонда узоқ йиллар уруш олиб боргани ва унинг Ҳиндистон билан яқин алоқа қилиб келаётгани бунга сабаб сифатида кўрилади.

Vol.8. Monday,
August 15, 2011

Publisher:
Farhod Sulton

Executive Editor:
Davronbek Tojialiyev

Deputy Editor:
Alisher Aymatli

Deputy Editor:
Toshpulat Rahmatullaev

News Editor:
Behzod Mamadiyev

Managing Editors:
Tamara Nazarova
Ulugbek Qosimov
Fakhmiddin Fazilov

Advertising Manager:
Sodiq Fayzulla

Web Developers:
Shukhrat Pardaev
Shohruh Kenjaev

Editorial and Executive
office:

2705 Coney Island Ave.
Brooklyn, NY. 11235

Phone: 646.397.0325

Web: www.vatandosh.com
Email: info@vatandosh.com

All materials in this newspaper have been copyrighted and are the exclusive property of Vatandosh Inc and cannot be reproduced without the due consent of the publisher.

The views and opinions expressed by our columnists do not necessarily reflect the editors' point of view.

We are not responsible for contents of advertisements and products and establishments advertised in Vatandosh.

Price: 50 cents
Circulation: 5000

**Азиз ватандошлар!
“Ватандош” газетаси
билан ҳамкорликда
ишлайман, ўз
маҳсулот ва
хизматларимни
ушбу нашрда
тарғиб қиламан,
бу янги нашрнинг
оёққа туриб
қандай монелигимиз
йўқ, эшигимиз
Сиз азизлар учун
ҳамиша очик!**

ШТАТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ АҲВОЛИ ҚАНДАЙ?



Федерал ҳукумат ва айрим штатлар бюджети ҳануз чуқур дефицит домида ётган бир пайтда, Индиана штати молиявий йилни 1.2 млрд. доллар ортиқча даромад билан якунлади. Республикачи губернатор Митч Даниелс ушбу маблағдан давлат ходимларига мукофот пули ажратилишини эълон қилди. Индиана даромад билан чиққан штатлар орасида энг кўп маблағ тежаш бўйича етакчилик қилмоқда.

Индиана штатида ортиқча маблағ давлат ишчилари орасида тақсимланган бўлса, Айдахо штати 85 млн. долларлик даромадни мактаб ва коллежларга бўлиб берган. Мейн штатида эса 50 млн. долларлик маблағ “қора кунлар”га яраши учун захира фондига ўтказилган.

Огайо штати жорий йилни 480 млн. долларлик даромад билан тугатган бўлса-да, ҳукумат олдида ҳали 8 млрд. долларлик дефицитни бир ёқли қилиш масаласи турибди.

31 штат молиявий йилни даромадсиз, шу билан бирга дефицитсиз якунлаган. Тўрт штатда эса харажатлар белгиланган чекловлардан ошиб кетган. Кўплаб штатларда дефицитнинг олди олинишига, асосан, давлат харажатларининг камайтирилиши эвазига эришилган.

ДУБАЙДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК 5.8 МЛН. ДОЛЛАР ЎҒИРЛАШДА АЙБЛАНМОҚДА

Бирлашган Араб Амирликларининг (БАА) Дубай шаҳрида 5.8 млн. АҚШ доллари (21.3 млн. БАА дирҳами) ва “Jaguar” автомобилни ўғирлашда айбланаётган тўрт киши устидан биринчи инстанция суди бошланди. Айбдорлардан бири ўзбекистонлик 30 ёшли эркак.

«Gulfnews.com»нинг ёзишича, тўрт айбланувчининг уч нафари – икки россиялик ва бир ўзбекистонлик – ўз айбини бўйнига олган. Аммо улар ўғирлик пайтида қурол ишлатганлик ҳақидаги айбловни рад этмоқда.

Қораловчилар эълон қилган айбловга кўра, уч россиялик ва бир ўзбекистонликдан иборат хорижлик фуқаролар гуруҳи пичоқлар билан қуролланган ҳолда уюшган жиноий

тўда тузиб, катта миқдордаги пулни ўғирлаш мақсадида икки нафар даниялик бизнесменга ҳужум қилган. Улар пичоқ ва кўллари билан 45 ва 26 ёшли икки Дания фуқаросига жароҳат етказиб, уларнинг қўлидаги пул солинган қопларни тортиб олган.

Қўйилган айбловда ёзилишича, айбланувчилар даниялик бизнесменлар яшовчи уй олдида ўғирланган машинада келишган. Икки Дания фуқароси ташқарига чиқиши билан, айбланувчилар машинадан отилиб чиқиб, пичоқ билан ҳужум қилишни бошлаган ва пул солинган тўрт қопни жабрланувчиларнинг кўлларида тортиб олган. Қоплар ичида 5.8 млн. АҚШ доллари миқдорида пул, жабрланувчилардан бирининг лаптопи ва паспорти бўлган.

АДВОКАТ ВЛАДИСЛАВ СИРОТА

*Член Американской Коллегии
Иммиграционных Адвокатов*

-ПОЛИТУБЕЖИЩЕ

(тщательная профессиональная подготовка)

-ДЕПОРТАЦИОННЫЕ СЛУШАНИЯ

-ПОМОЩЬ АРЕСТ. НА ГРАНИЦЕ И В АЭРОПОРТАХ США

-СОПРОВОЖДЕНИЕ НА ИНТЕРВЬЮ

**-ПРЕДСТАВИТЕЛЬСТВО В АМЕРИКАНСКИХ
КОНСУЛЬСТВАХ ЗА ГРАНИЦЕЙ**

-ЗАПОЛНЕНИЕ НА ГРИН-КАРТ И ГРАЖДАНСТВО

-РАЗВОДЫ

-ДЕЛОВЫЕ КОНТРАКТЫ

-ВИЗЫ В-2/Н1В/F-1/К-1

(718) 265-59-00

128 Brighton 11th Street, 2nd Fl. Brooklyn, NY 11235



**Ҳурматли
ватандошлар !**

**Сизни қизиқтирган барча саволларга қуйидаги
рақамлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин.**

Сизга маълумки, АҚШда солиқлар масаласи жуда ҳам муҳим ва ҳар бир фуқаро даромад солиғини ўз вақтида қонунларга мувофиқ равишда тўлаши шарт.

Ватандошларимизга солиқларни тайёрлашда ёрдам бериш мақсадида Вашингтонда АҚШ қонунларига кўра даромад солиғи бўйича ўзбекистонлик мутахассислар (IRS) ишни бошлади.

Зокир Алиев.

MBA.EA - 703 459 82 34

E-mail: zakiraliiev@yahoo.com

АҚШ Солиқлар Бош Бошқармасининг имтиёзли лицензиясига эга солиқ мутахассиси.

Фазилят Мамурова

MPA -703 786 72 01

E-mail: fazilat84@yahoo.com

Молиявий хизматлар

АҚШда истиқомат қилаётган ватандошларимиз орасида турли ҳуқуқий муаммоларга дуч келиб, адвокат қидирувчилар кўп учрайди. Ҳуқуқий муаммо қисқа муддатда ва сизнинг фойдангизга

ҳал бўлиши учун сиз танлаган адвокат малакали ва ўз касбига фидойи бўлиши керак. Аксинча, малакаси паст ёки инсофсиз адвокатга дуч келсангиз, пулингиз ва вақтингиз зое бўлиши билан

бирга, сиз учун ҳаёт-мамонт масаласи бўлиб турган муаммоингиз ҳам сизнинг фойдангизга ҳал бўлмаслиги мумкин. Ҳуш, АҚШда малакали адвокат ёллашда нималарга эътибор бериш керак?

ЭЪТИБОР БЕРИШ КЕРАК?

Адвокатни ҳуқуқий муаммоингиз турига қараб ёллашингиз керак. Агар сиз йўлиққан ҳуқуқий муаммо жиноят ҳуқуқи соҳасида бўлса, шу соҳа бўйича мутахассис бўлган адвокатга мурожаат қилинг. Умуман олганда, адвокатлар маълум бир ҳуқуқий соҳа бўйича ихтисослашишга ҳаракат қилсалар-да, кўпинча, уч ёки тўрт ҳуқуқий соҳа бўйича фаолият олиб борадилар. Албатта, бундай

ҳолат адвокат малакаси ёки тажрибасининг камлигидан далолат бермайди. Шундай бўлса ҳам, уч ёки тўрт ҳуқуқий соҳа бўйича ишлайдиган адвокатдан кўра битта ёки кўпи билан иккита ҳуқуқ йўналиши бўйича фаолият олиб борадиган адвокатни танлаш мақсадга мувофиқроқ бўлади. Ёлламоқчи бўлган адвокатингиз сизнинг ҳуқуқий муаммоингиз бўйича қанча кўп ихтисослашган бўлса шунча яхши. Буни адвокат аввал олиб борган ҳуқуқий ишлар, уларнинг қанчасида ютиб чиққанлиги, ушбу соҳа бўйича неча йилдан бери фаолият олиб бораётгани каби ҳолатлар белгилаб беради.

АДВОКАТНИНГ ХИЗМАТ ҲАҚИ

Адвокат хизмат ҳақининг миқдори, кўпинча, ҳуқуқий муаммоингизнинг мушкуллиги ва адвокат малакасининг юқорилигига боғлиқ бўлади. Энг муҳими, адвокат сизга ишингиз юзасидан айнан қандай хизмат тури кўрсатишини тўлиқ тушуниб етмагунингизгача адвокат белгилаган хизмат ҳақиға рози бўлманг.

Албатта, адвокат сизга кўрсатган хизмат ҳақи неча пул бўлишини олдиндан айтиб беролмаслиги мумкин. Шундай бўлса-да, ҳар бир адвокат энг камида унинг хизмат ҳақи тахминан неча пул бўлишини айтиб бера олади. Бунда у сизга қай ҳолатда хизмат ҳақи ошиши ёки камайиши мумкинлигини ҳам батафсил тушунтириб бериши керак.

Ҳуқуқшунослар, умуман олганда, ўз хизматлари учун уч кўринишда ҳақ оладилар: (а) соатбай (hourly); (б) бир марта келишилган миқдорни тўлаш (one-time flat fee) ва (с) суд қарори натижасида сизга бериладиган миқдордан фоиз олиш (contingency).

Адвокат хизмати учун тўланадиган ҳақ ва уни тўлаш тартиби шартномада кўрсатилиши керак. Агар адвокат сиздан шартнома тузмасдан нақд пул тўлашни талаб қилаётган бўлса, билинги, бундай адвокат билан ишлаш мақсадга мувофиқ эмас. Умуман олганда, шартномани синчковлик билан ўқиб, ўрганиб чиқиш даркор. Бирон-бир бандини яхши тушунмасангиз, албатта, қўнғироқ қилиб аниқлаб олинг.

Адвокат хизматининг қиммат ёки арзон бўлиши ҳеч нарса билдирмайди. Аммо хизмат ҳақи арзон бўлган адвокат қилган хатолари туфайли сизнинг харажатларингиз кўпайиб кетиши мумкинлигини эътибордан четда қолдирманг.

АДВОКАТ ЁЛЛАШГА ПУЛИНГИЗ БЎЛМАСА

Адвокат ёллашга етарли маблағингиз бўлмаган тақдирда, қуйидаги веб-саҳифалар сизга ёрдамчи бўлиши мум-

кин:

www.washingtonlawhelp.org - Кам таъминланган одамлар учун ҳуқуқий ёрдам бериш бўйича ахборот ресурслари маркази. Сайтни рус тилида ҳам ўқишингиз мумкин.

www.absny.org – Нью-Йорк шаҳар адвокатлар ассоциацияси (New York City Bar Association) веб-саҳифаси. Унда адвокат ёллаш имкониятига эга бўлмаганлар учун ёрдам таклиф этилади. Сайт фақат инглиз тилида. Бу ассоциация ҳар душанба куни «Бепул душанба кечаси клиникаси» (Free Monday night clinic) деб аталадиган бепул юридик маслаҳатлар хизматини кўрсатади. Бу хизмат билан ушбу телефон рақамлари орқали боғланишингиз мумкин: 212-626-7373. Нью-Йорк шаҳар адвокатлар ассоциацияси кўрсатадиган бепул юридик хизматлар ҳақида тўлиқ маълумотни ассоциация веб-саҳифасининг «Legal Referral Service» бўлими ичидаги «Legal clinic» саҳифасидан топишингиз мумкин.

Бепул юридик ёрдам олиш учун АҚШ университетларинг ҳуқуқшунослик бўлимлари қошида очилган юридик клиникаларга (legal clinics) ҳам мурожаат қилишингиз мумкин. Юридик клиникаларда ҳуқуқий муаммо устида профессорлар назорати остида талабалар ишлайди. Албатта, ҳуқуқшунос талабаларнинг илми ва тажрибаси малакали адвокатлар даражасида бўлмайди, аммо улар ҳуқуқий ишлар устида энди ишлашни бошлагани учун кўпинча ишга жонжаҳдлари билан киришадилар ва бу сизга яхши ёрдам беради.

Кўплаб юридик фирмалар қошида ҳам бепул юридик хизматлар йўлга қўйилган. Нью-Йорк штатидаги шундай юридик фирмалар рўйхатини ушбу веб-саҳифадан олишингиз мумкин: <http://www.justice.gov/eoir/probono/freelgchtNY.htm>.

АДВОКАТ БИЛАН ИШЛАШДАГИ МУҲИМ МАСАЛАЛАР

Адвокат сиз учун айнан қандай юридик хизмат кўрсатишини аниқ тушуниб олинг. Яхши адвокат ўз мижозига ҳар доим унинг иши нимадан иборат бўлишини тушунтиришга ҳаракат қилади. Ўз ишига ишонсизлик ёки маъсулиятсизлик билан қарайдиган адвокатлар эса ўз мижози билан яхши мулоқот олиб бормайди. Натижада мижоз ҳам ўзига адвокатнинг қандай юридик хизмат турини кўрсатаётганини билмайди. Нима бўлганда ҳам, адвокатдан барча тушунмаган саволларингизни сўраб олишингиз шарт.

Адвокатингиз билан қандай мулоқот олиб боришингиз мумкинлигини аниқлаштириб олинг. Ҳар ҳафта ёки ойда неча марта кўришиб гаплашингиз ҳақида адвокатингиз билан келишиб олинг. Агар адвокатингиз сиз билан ҳафтала ёки ойлар давомида мулоқот олиб бормаётган бўлса, у сизнинг ишингиз билан жиддий шуғулланмаётганидан далолатдир. Шундай вазиятларда зудлик билан бошқа адвокат топиш ҳаракатини қилинг.

Кўп ҳолатларда ҳуқуқий муаммода ким ютиб чиқишини олдиндан айтиш қийин. Шунинг учун сизга олдиндан ёғлиб чиқишини ваъда бераётган адвокатни ёлламаганингиз маъқул.

Миракмал НИЯЗМАТОВ,
Индиана штатининг Нотр Дам Университети ҳуқуқшунослик талабаси



АДВОКАТНИ ҚАЕРДАН ҚИДИРИШ КЕРАК?

Малакали адвокат топишнинг аниқ бир формуласи йўқ, албатта. Бу борада қилиниши керак бўлган энг биринчи иш дўстларингиздан, ҳамкасбларингиздан ва яқин таниш-билишлардан сўраб-суриштиришдир. Бундай суриштирув натижасида ҳар доим ҳам сизнинг ҳуқуқий муаммоингизга тўғри келадиган адвокат топилмаслиги мумкин. Муҳими, сизга тавсия қилинган адвокат, ҳуқуқий муаммоингиз бўйича мутахассис бўлмаган тақдирда, сизга бошқа малакали адвокатга учрашни тавсия қилиши мумкин.

Бордию таниш-билишларингиз сизнинг ҳуқуқий муаммоингиздан хабардор бўлишларини истамасангиз, маҳаллий ҳуқуқшунослар ташкилотларига мурожаат қилишингиз мумкин. Масалан, Нью-Йорк штатида истиқомат қилувчилар <http://www.nysba.org/> веб-саҳифасида Нью-Йорк штатида фаолият кўрсатадиган адвокатлар ҳақида керакли маълумотларни олишлари мумкин. www.lawyers.com сайтдан ҳам ўз штатингиздаги адвокатларни исмлари, иш жойлари ва ихтисосликари бўйича қидириб топишингиз мумкин.

АДВОКАТ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ ТЎПЛАШ

Адвокат ёллаётганда йўл қўйилмайдиган энг жиддий хатолардан бири бу адвокат малакаси ва умуман унга берилган тавсифномалар ҳақида маълумотга эга бўлмаслиқдир. Бу хатога йўл қўймаслик учун ўзингиз ёлламоқчи бўлган адвокат ҳақида батафсилроқ маълумот йиғишга ҳаракат қилинг. Бу масалага шароит ва имкониятларингиз доирасида қанча кўп вақт ажратсангиз, шунча яхши.

Юқорида айтиб ўтилган адвокат қидириш, топиш ва ёллаш усулларида фойдаланиш натижасида сизга маъқул келган адвокатлар рўйхатини тузинг ва уларга қўнғироқ қилишни бошланг. Кўпинча, адвокат идорасига илк маротаба ҳуқуқий муаммоингизни муҳокама қилиш учун телефон қилганингизда, адвокат сиз билан телефон орқали эмас бевосита унинг идорасига дастлабки маслаҳат учун келишингизни таклиф қилади.

АДВОКАТ БИЛАН ДАСТЛАБКИ МУЛОҚОТ

Кўпинча, дастлабки маслаҳат (initial consultation) учун адвокатлар ҳақ олмайди. Шундай бўлса ҳам, ҳар эҳтимолга қарши бу ҳақда телефон орқали сўраб олишингиз керак.

Дастлабки маслаҳат, кўпинча, 15 дақиқа, кўпи билан 30 дақиқа давом этади. Шунинг учун унга жиддий тайёргарлик кўрмоқ лозим. Шу қисқа вақт ичида сиз адвокатга ҳуқуқий муаммоингизнинг асосий моҳиятини тушунтириб бериш билан бирга, сизни қизиқтирган саволларни сўраб, уларга жавоб олишга улгуришингиз керак.

Адвокатга ишингизга тегишли бўлган ҳужжатларни тақдим этиш ва сизнинг фойдангизга ва зарарингизга кимлар гувоҳлик бериши мумкинлигини айтиб ўтиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Сўхбат чоғида адвокатга ўзингизни қизиқтирган барча саволларни беришга ҳаракат қилинг. Қуйидаги саволларни сўрашни тавсия этамиз:

Менинг ҳуқуқий муаммоимга ўхшаган ишлар устида аввал ишлаганмисиз? Натижаси нима бўлган? Менинг ишим устида бевосита қайси адвокат ишлайди? Менинг ишим қайси ҳолларда фойдамга ва қайси ҳолларда менга қарши ҳал қилиниши мумкин? Ишимнинг ҳал бўлишига тахминан қанча вақт кетади? Хизмат ҳақингиз тахминан неча пул? Уни иложи борича камайтириш учун мен нималар қилишим мумкин?

Адвокат саволларингизга жавоб бераётганда қайдлар ёзиб олишдан тортинманг. Дастлабки маслаҳат ниҳоясида адвокат билан меҳнат шартномаси тузишга мажбур эмассиз. Адвокатга ҳуқуқий муаммоимга тегишли барча тафсилотларни бердим, энди уни ёлламасам бўлмайди, деган андиша сизни қийнамасин. Ҳар бир адвокат ўз мижозларидан эшитиб-ўрганган маълумотни сир сақлашга мажбурдир.

Шундай дастлабки маслаҳатлардан уч-бештасига кириб чиққанингиздан кейин, қайси адвокат сизга кўпроқ тўғри келиши ҳақида тушунчага эга бўла бошлайсиз.

АДВОКАТ ТАНЛАШДА НИМАЛАРГА

У йўловчи эди. Аниқроғи, йўл овчиси эди. Ўз олдига аниқ бир мақсад қўйган йўловчи. У йўлларни изларди. Демак, у йўл изловчи ҳам эди. Бундан у дарбадар эди, деган хулоса келиб чиқмайди. Негаки, дарбадарда мақсад бўлмайди...

— Вашингтонга нега кетяспиз?
— Президент билан учрашгани...

— Нима, у сизнинг қариндошингизми? Ёки террорчилар қаердалигини айтмоқчимисиз?

— Йўқ, йўқ! Мен айтадиган гап бу эмас.

— Хўш, унда президентга нима демоқчисиз?

— Унга айтмоқчи эдимки, менинг исмим Хон ва мен террорчи эмасман...

У ростгўй ҳам эди. Ҳақиқатни айтишдан қўрқмасди. У фақат икки нарсдан қўрқарди. Аутизм касаллигига чалингани боис, шовқин ва сариқ рангдан. Лекин буни қўрқув деб бўлмасди. Буни ожизлик ёки, яна ҳам аниқроғи, Аллоҳ томонидан раво қўрилган бир камлик дейиш мумкин эди. У қўрқувнинг уят жойи йўқлигини, фақат унга эрк бериб қўйиш керакмаслигини биларди...

У мактабда ҳам ўқимаганди. Яъни мактабга бундай «аҳмоқ»ларни сиғдиришмасди. Лекин унинг ўз устози бор эди. Онасининг сабоқлари унга ҳаётни тўғри англашни ўргатди. Ёхуд ўзининг таъбири билан айтганда, «онаси берган сабоқлар ҳеч қайси мактабда ўқитилмасди»...

Унинг қўлидан иш келмайди, деб бўлмасди. Аксинча унинг яшигина хунари бор эди: таъмиртаб ҳамма нарсани тузатар эди. Техникадан тортиб дуродгорлик ишигача, автоуловдан тортиб

турли анжомларгача таъмирлай оларди. У ҳатто бошқаларнинг яраланган қалбини ҳам тузатарди. Унинг қурби шунгача етарди. Лекин «Аллоҳнинг ишини тузатиш қўлидан келмасди». Бу иш ҳеч кимнинг қўлидан келмаслигини ҳам биларди...

У мусулмон эди. Ва энг катта «айби» ҳам шу эди. У дастлаб ҳинд-мусулмон деб аталмиш азалий можарога дуч келади. Лекин уруш нима сабабдан келиб чиқаётганини тушунмайди. Кейин эса ундан-да даҳшатлироқ можарога рўбарў келади: Америкадаги мусулмонларга қарши уруш... Бироқ бу вақтда у анча

га зомин бўлади, бу эса дунёда эркакларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келади». Мазкур ҳақиқатга бугунги кунда ишониш қийин ва ҳатто кулгили. Бунга ишонишни ҳам истамайдилар. Ахир биз «ахборот» асрида яшаймиз-ку...

Унинг бир камчилиги бор эди. Ҳаммада бу нарса ожизлик ҳисобланса-да, унинг ожизлиги мана шу ожизликнинг йўқлигида эди. Яъни, бу — йиғи. Ҳар қандай инсон борки, кулади. Куляптими, демак, йиғлайди ҳам. Кулиш қанчалик бахт бўлса, йиғлаш ҳам

Кинотеатр

ЙЎЛОВЧИ

ЁХУД «МЕНИНГ ИСМИМ ХОН» ФИЛЬМИГА СОЧМА ТАҚРИЗ

нарсани англаб етган эди. Онаси берган сабоқ эса бир умр ёдидан чиқмасди: «Дунёда икки хил одамларгина бор, холос — яхши ва ёмон одамлар». Динлараро можаролар, миллатлараро низолар бошқа бир куч томонидан бошқарилишини эса у сал кейинроқ, Америкадаги масжидга борганда билган эди. «Бу шайтон эди»...

Унда асперген синдроми бор бўлишига қарамай, жуда ақлли ва саводли эди. У ўрганишдан қочмасди ва атрофидагиларни ҳам шунга бошларди. У ҳатто қўл телефонидан фойдаланмаслик учун одамларга унинг зарарини сўзлашгача-да борарди: «Қўл телефонидан таралаётган тўлқинлар асалариларнинг умри-

шунчалик саодатдир. Лекин у на кулишни биларди, на йиғлашни. Ўзининг таъбири фикримизни тўла асослайди: «Зокирининг (укаси) омади бор эди — у йиғлай оларди»...

Шунингдек, у бутунлай ҳиссиз ҳам эмасди. Унда юрак бор эди. Бу юрак нафақат жасорат учун, балки муҳаббат учун ҳам хизмат қилди. Яъни ўз вазифасини бажарди. Инсонга юрак асосан шу икки ҳиссиёт учун берилди: муҳаббат ва жасорат. У бир аёлни севиб қолди. Унинг ўғли билан ҳам дўстлашди. Бир пайтлар ҳинд-мусулмон можаросидан қаттиқ мутаассир бўлган бола бугун улғайиб, ҳинд-мусулмон оиласига асос солган эди. Шундан сўнг бир уйда икки дин вакили яшай бош-

лади: бири намоз ўқирди, иккинчиси ҳайкалга сиғинарди. Агар бу бахтиёр кунлар учун мурғак қалб эгаси қурбонлик қилинишини билганида уйланмаган бўлармиди...


У Америкага келиб, ҳинд-мусулмон можаросидан ҳам даҳшатлироқ урушлар борлигини билди. Кимдир Ироқдаги урушда қурбон бўлди, яна кимдир Афғонистонда... Энг ачинарлиси, улардан бири тележурналист эди. Кейин эса Америкада мусулмонларга қарши уруш очилди. Бесабаб ва бемаврид уруш... Неча минглаб оилалар ичида унинг ҳам оиласини барбод қилган уруш... Ахир ким ҳам мусулмон билан

яшашни истарди шунча гапдан сўнг... Ҳаммасига бош сабаб эса 2001 йил 11 сентябрда юз берган эгизак минораларнинг портлаши эди.

«Аллоҳ тало бир беғуноҳ одамни ўлдириш бани одамизотни ўлдириш билан баробардир, деган» (Қуръони карим, 5-сура, 32-оят).

«Парвардигор инсонни рангига эмас, амалига қараб баҳолайди» (ҳадиси шарифдан). Бу икки ҳикмат нафақат фильмнинг мазмуни ва ғоясини ифодалайди, балки бутун инсониятга буюк сабоқ вазифасини ҳам ўтайди...

У ўз олдига мақсад қўйган йўловчи эди. Унинг мақсади — мусулмон дунёсини бўхтондан ҳалос этиш эди. У Аллоҳга суянган ҳамда бу ишга бел болаган эди. Аллоҳ эса ўзига чин дилдан ишонган ва олдига Аллоҳ йўлидаги эзгу мақсадни қўйган ҳар қандай ин-



сонни қўллаиди...

Кўпчилик ҳинд киноларини ёқтирмайди. Ёқтирмаглигига етарлича сабаблар ҳам бор — аксар фильмлари савиясиз ва бир хил услубда. Лекин ёқтирадиганлари ҳам кам эмас, ҳатто кўп...

Каран Жоҳарнинг «Менинг исмим Хон» фильми бошқа ҳинд фильмларидан кескин фарқ қилади. «Харобадан чиққан миллионер» картинаси анча шов-шув кўтарганди. Оскар ҳам олганди. Болливуддан Оскар олган фильм эди-да ҳар ҳолда, гарчи Ҳолливуд аралашган бўлса ҳам.

Лекин «Менинг исмим Хон» фильми соф Болливудники. Аммо унга Оскар беришмайди, беришолмайди, гарчи бунга давъогарлик қилса-да. Ва беришмади ҳам. Америка ҳали бу даражада аҳмоқ эмас...

Сизга ушбу фильм ҳақида озроқ бўлса-да маълумот бериш билан бирга, ҳаёт ҳақиқатига ҳам назар солдик. Тўғри, анча сийқаси чиққан гап, лекин дунёни барибери муҳаббат қутқаради. Чунки бу энг улуг туйғудир ва Буюк Зотга тегишлидир. Дунёни гўзаллик ҳам қутқаради. Негаки, Аллоҳ гўзалдир ва гўзалликни суйғувчидир...

Заҳириддин

Канадага биринчи бўлиб келган туркистонликлар, яъни марказий осиеликлар ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Қачон кўчиб келгандан қатъи назар, ҳозирда бу шимолӣ ўлкада қадимий Турон ерларидан кўчиб келганлар ҳам анчагина яшаётганлигини кузатиш мумкин.

Ўзбеклар Канаданинг деярли барча провинцияларида бор. Аммо уларнинг кўпчилиги Онтарио, Альберта, Квебек, Британия Колумбияси каби йирик провинцияларда бўлса керак.

Биз яшаётган Альберта провинциясида қарийиб 200га яқин ўзбекларни яшаётгани ҳақида маълумотлар бор. Уларнинг кўпчилиги пойтахт Едмонтон шаҳрида истиқомат қилади. Кейинги йилларда Канаданинг йирик саноат шаҳри ҳисобланмиш ушбу шаҳарга Марказий Осиёдан кўчиб келаётганларнинг сони кескин ортиб бормоқда. Чунки бу провинцияда йирик нефть конлари ва шу соҳанинг улкан заводлари бор. Бундан ташқари, Едмонтон шаҳри шиддат билан ўсиб бормоқда ва шаҳардаги қурилишнинг кўлами



жуда катта.

Марказий Осиёликларни бир орага йиғиш мақсадида 2009-йилнинг ёзида ушбу мамлакатда яшаётган бир гуруҳ ўзбек зиёлилари томонидан Канада Туркистонликлар Конгресси таъсис қилинди. Конгресснинг Альберта провинцияси бўлими ҳам айнан ўша

АЛЬБЕРТАДА ЎЗБЕКЛАР ЖАМОАСИ

пайтдан бери фаолият кўрсатади. Биз шу ўтган давр мобайнида нафақат ўзбеклар, қолаверса, бутун марказий осиеликлар билан ўзаро алоқалар ўрнатишга ва биргалашиб ўз миллий урф-одатларимиз ва маданиятимизни асраб қолишга уриниб келмоқдамиз. Ҳозиргача қилган ишларимиз кўлами унча катта бўлмаганлигини ва бу борада жуда кўп муаммолар олдимизда турганлигини тан оламиз. Чунки Канадага келиб ишлаётганларнинг кўпчилигини бу мамлакатга келиб қолиш тарихи жуда ранг-баранг ва уларни бир жамоага бирлаштириш борасида қийинчиликлар мавжуд.

Аммо шунга қарамай биз доим ҳаракатдамиз ва имкониятларимиз даражасида юртдошларимиз бошини қовуштиришга уриняёмиз.

Канада Туркистонликлар Конгрессини Альбертада мавжудлигини Альберта провинцияси давлат раҳбарлари даражасига олиб чиққанымизга икки йилча бўлди. Алберта провинцияси

Маданият вазири Линдсай Блаетт (Lindsay Blackett) билан шу ўтган давр мобайнида бир неча маротаба мулоқотлар олиб бордик.

Яқинда Канада мамлакатига «Канада кунини»га бағишланган катта байрам тантаналари бўлиб ўтди. Айнан шу байрам муносабати билан мен Едмонтон шаҳри мэри Стивен Мандель (Mayor Stephen Mandel) билан шахсан учрашдим ва унга Едмонтонда яшаётган ўзбеклар жамоаси ҳақида гапириб бердим. У бизнинг муаммоларимиз ҳақида қизиқди ва яқин келажақда биз билан алоҳида учрашагани билдирди.

Насрулло САЙИД
Канада Туркистонликлар Жамиятининг Альберта провинциясидаги президенти

(Суратда: Канаданинг Едмонтон шаҳри мэри Стивен Мандель билан бўлган учрашув. Едмонтон шаҳри. 2011 йил, 1 июль)

Лондонда қайси ўзбекдан сўраманг, 25 рақамли қизил автобусни билади. Тошкентдаги, Сирғалидан Мустақилликка қатнайдиган, 57-автобуснинг алтернатив варианты: тикилинч, шовқин. . . ҳаёт қатнайди. Фарқи, 25-автобусда камида 25 та миллат вакиллари учрайди, десам лоф ўрнида кўрманг. Ҳа-да, деяри 8 миллионлик шаҳарда 300 дан ортиқ тилда гапирувчи халқ-элатлар яшаса, ахир.

Ҳаммасидан қизиғи, ҳар сафар шу автобусга чиқсам, сира бўлмаса, битта ўзимизнинг ватандошни учратаман.

Бир сафар ўртоқлар билан шаҳар марказига кетаяпмиз. Гапдан-гап чиқиб, олдинги ўриндикдаги хитойга ўхшаб кетадиган бир одам миллати тўғрисида бахслаша бошладик. Хитой, дедик, ундан кейин корейс ва мўғулистонликка ўхшатдик. Ёшлик-ғўрлик, ўзимизча ўша йўловчининг устидан кулгандай ҳам бўлдик. Бу ҳолат 15 дақиқача давом этди. Баҳс тўхтаганини сезди, шекилли, «хитойлик аяхон» шундоққина орқа ўриндикда ўтирган менга қараб, жиддий қиёфада «Укалар, ўзбекчани ёмон қийиб қўяркансизлар лекин» дедию, жойига қайтиб ўтирилди.

Устимиздан муздек сув қуйилгандай бўлди. Ҳеч ким нима деярини билмайди, кулай деса ноқулай. Ахир ким билибди дейсиз, у нотанишнинг ўзбеклигини бизнинг гапимизни англаб ўтирганини, бизни ҳеч кас тушунмайди, дея гапираверибмиз биз ҳам. Бунинг устига, кам бўлгани учунми, тил ўрганиш муаммолими, Лондонда катта ёшли ўзбекларни ҳар доим ҳам учратавермайсиз, асосан ёш йигитлар ўқийман-ишлайман деб келади бу юртларга.

Марказгача ҳали анча масофа бор. Узр сўрадик. Танишдик. Обид ака экан исмлари. Тўрт йилдан бери шу эрда эканлар. Асли Самарқанд тарафлардан. Анча суҳбатлашдик. . .

Ёши қирққа кириб қирқта хунарни эгаллаган, ҳаётнинг минг хил ташвишларини кўриб улгурган бу тажрибали инсоннинг беш нафар фарзандни ташлаб Англияга келгунича бўлган кечирмишлари алоҳида бир ҳикоя, бу оролда кечирмишлари бошқа.

- Ўзбекистонда ҳам кўп ишнинг бошини ушлаганман: деҳқончилик қилганман, ҳайдовчи бўлиб йўловчи ташиган, чироқчи бўлиб «свет ҳақи»ни тўламаган фуқароларнинг симларини узиб юрган вақтлар ҳам бўлган. Ҳатто, бир вақтлар дон қабул қилиш марказида бошлиқ лавозимларда ишлашга ҳам тўғри келиб қолган. Эҳҳе, на бир ҳокимлару прокурорлар

билан «муомала» қилишга тўғри келмаган дейсиз.

Обид аканинг шу ёшда, инглиз тилини умуман билмасдан туриб Бирлашган Қиролликка келиши сабаби менга қизиқ туюлди. Кўп ватандошлар ишлаш учун Россия давлатига кетишини тушунса бўлади. Бироқ, Англия?! Умуман бегона тил, харажатлар-да арзон эмас?! Сабаби, оддийгина қилиб айтганда, тирикчилик деб аталмиш юк эканлигини олдиндан билсам-да барибир сўрадим.

- Оила, фарзандлар-да сабаб. Болалар яхшироқ ўқисин, яхшироқ яшасин, ўқисин, дея борига қаноат қилмасдан шу ерларда қийналиб юрибмизда. Шунинг учун қарз-курс қилиб 5000 доллар сарфлаб бир амаллаб 2007-йили шу юртларга келдик ризқ орқасидан. Эее, билсангиз эди, қандай қийин бўлганини?! Авваллари худди ўзимни бошқа сайёрадагидай ҳис қилгандим.

легал» бўлиб ишлайсан. . . кўлга тушгунча. Аммо-лекин жуда қизиқ бўларкан қирққа кириб дарсларга қатнашиб юриш. Ҳатто, ўқитувчилар ҳам мендан анча кичик эди.

Қойил қолганим, Обид ака инглиз тилида анча-мунса муомала қила бошлаганди. Катта ёшдагилар учун анча мушкул масала янгитдан тил ўрганиш.

- Орадан хаш-паш дегунча тўрт йил ўтиб кетибди. Бу вақт орасида неча марта ишдан ҳайдалиб, неча марта янги ишлар топдик. Визалар тугаб «нелегал» бўлиб қолишга ҳам улгурибмиз. . . Шу ёшгача университетларда ўқиганимиз етар, биз бу ерда оқиб юраверсак бола-чақани ким боқади. Нималарга эришдик, нималарга – йўқ. . .

- Нималарга эришдингиз?

- Мана шунча йил ишлаб энди-энди оёққа тураяпман. Кичик бўлса-да, уй-жой қилдим фарзандларимга пойтахтдан яқинда. Машина олиш

бўлишини кўролмапман. Онасининг айтишича, катта ўғлимнинг буйи мендан баландмиш ҳозир.

Соғинч ҳақида эса гапирмасам ҳам бўлар. Она тупроқ соғинчи, ака-укалар, оила, фарзанд соғинчи. . . Чет мамлакатларни кўрган ҳар кимса билса керак бу ҳисни. . . Қолаверса, ўзимнинг умрим ўтаяпти бегона жойларда. . .

Энг катта армоним, юрагимни ачитадиған ўқинч, онам бу оламдан ўтди бу ерларда юрганимда. Боролмадим. Онам соғинганда, охирги дамларида «Обидим қани» деб мени сўраганида, ёнида бўлолмадим. Ҳеч кимнинг бошига солмасин. Жуда ёмон, жуда оғир. . .

- Армон бўлади, тўғри. Аммо дунё кўраяпсиз, орзу-ҳаваслар амалга ошираяпсиз. Энг катта орзуингиз нима, сир бўлмаса, Обид ака?

- Ўзи сал ғалати одамманда. Орзуим ҳам ўзимга

қандай халқлигини англаб етдим. Муҳожирлик кўп нарсаларни ўргатар экан. . .

- Суҳбат бошида анча қийналдим, дедингиз. Агар шунақа бўлишини билганингизда, бу юртларга келармидингиз?

- Рости, йўқ. Менинг ёшимда, тил билмасдан, бегона эл орасида. Келмасдим. Аммо биласизми, фарзандларимни, иложи бўлса, узоқ юртларга дунё кўришга, ўқиш учун жўнатган бўлардим. Пул топиш учун эмас, унинг қадрига етиш учун, қийинчилик кўриши учун, ҳаётни тушуниши учун!

- Кўп йиллардан бери шу ердасиз. Кўп инсонларни, кўп воқеаларни кўргансиз. Балки ҳаётинг тажрибангиздан келиб чиқиб лондонлик ўзбек укаларингизга нималардир демоқчидирсиз. . .

- Биласизми, ўзбек йигитари жуда кўп Лондонда. Шукрки, қизларимиз санокли, борида, аксари оиласи билан яшайди. Назаримда, шундай бўлгани ҳам маъқул. Аммо йигитларимиз ўқиб-ишлаб, дунё танишлари жуда ижобий ҳолат, фикримча. Бугун бўлмаса эртага бу йигитлар барибир қайтади, катта билим, катта тажриба билан қайтади. Эплаганлари, балки, сармоя ҳам қилар. Аммо бир ҳолат унча яхши эмас, назаримда: баъзи ёшлар ҳамма орзу-ҳавасларини қилиб бўлганларидан сўнг ҳам «яна уни, яна буни қилволай» деб умрларини ўтказишяпти бу ерда. . .

Яқинда Обид ака телефон қилиб қолди. Менинг ҳам ёдимга суҳбатларимиз давомида энг асосий савол ёддан кўтарилгани тушдию, шуни сўрадим-қўйдим:

- Қачон қайтасиз, Обид ака?

- Энди аввалги режага кўра, 2017-йилгача ишлаб Қироличанинг хазинасини бўшатиб кетмоқчи эдим (Кулади). Ростига айтсам, яна икки йилда қайтмоқчиман. Ёш ҳам 45 ларга кириб қолади. Биринчи қиладиган ишим, опам билан Ҳаж сафарига бормоқчиман. Онамни олиб бораман деб ваъда қилгандим, насиб қилмади. . .

- Нега ҳозир кета қолмайсиз, уй олдингиз, машина олдингиз?

- Ука, шу-у-у бир дўконча очсам деб эдим ўзимиздан, қаригандан кейин ҳам бир иш қилиш керакку. . .

**Лондондан ёзиб олиб
ватандошларга йўловчи
Шерзод АЛИ**

(Суратда: Муаллиф (чапдан учинчи) Лондонлик бир гуруҳ ватандош дўстлари билан)

“ХОРИЖДА ИШЛАБ КЕЛГАН ҚАЙНОТАМИЗГА МИНГ САЛОМ” (Лондонлик ўзбеклар ҳаётидан)



Тил билмайман, саволларга, мактабда ўрганганим, испанчада жавоб беришга ҳаракат қиламан. Ҳозир эсласам, бир куламан-е. Тил билмагандан кейин иш топиш ҳам, йўл топиш ҳам қийин бўларкан. Наилож, турк ресторанига жойлашиб, ошпазларга ёрдам бериб юрдим икки йил. «Эшшак»дай ишладим, десам ҳам бўлаверади шу йиллар давомида. Лекин нолимайман, яхши-ёмон бўлса-да, ҳалол меҳнат билан оиламни боқдим.

- Ҳозир анча тилингиз келишиб қолган-ку?

- Келишади-да тил мактабига бориб болаларим қаторилар билан алифбодан бошлаб инглиз тилини ўрганганимдан кейин. Бу ерларда тартиб шунақа: ё ўқиб «студент виза» асосида яшаш ҳуқуқини олсан Англияда ё бўлмаса, «не-

ҳаракатидаман. Бошқа кам-кўстларни тўғирладим.

Онаси ҳар-ҳар замон кулдириб туради. Мусиқа маркази жўнатгандим уйга. Ўртоқларини чақириб, онда-сонда ўйин-кулги қилармиш ўғилларим. «Ҳа, Ота! Раҳмат, Ота! Бўлса яна жўнатворинг шунга ўхшаган яхши-яхши нарсалардан», деб ўйнармиш. Роса кулдим-е. . . Фарзандларим билан фахрланаман. Каттаси ҳам ўқиб, ҳам ишлаб, ўз мустақил йўлини топишга ҳаракат қилаётганмиш. Ана шу фахр, ана шу фарзандлар учун юрибман-да бу юртларда.

- Боя сал хўрсиниб қўйдингиз. . .

- Эее, ука, муҳожирлик осон эмас. Сиз ҳам талабасиз бу ерларда, биласиз. Йўқотганларим ҳам кўп бўлди. Фарзандларимнинг катта

ўхшаган ғалатирок; шу хаёлларимда ўйлайман, Насиб қилса, яна бир неча йил ишлаб, уйга қайтиб борсам, Тошкент аэропортида самолётдан пўрим бўлиб-б-б тушсам, пастда, бир ёқда катта бўлиб уйланиб кетган ўғилларим салом бериб-б-б кулиб турса, бу ёқда келинларим келин салом айтса. «Лондонда ишлаб келган қайнотамизга салом», «Кечани кеча демасдан, кундузни кундуз демасдан меҳнат қилган дадажонимизга минг салом» деб. Куласиз-а! Бу бир ҳазил-да. Нимани ҳам орзу қилардим, тезроқ она Ватанга қайтиб борсам, оилам даврасида бўлсам, фарзандларимга тўй қилсам дейман. Билсангиз агар, шу ерларга келиб, Ватан нималигини тушундим. Тинчлик, осойишталик нималигини тушундим. Ўзбек халқи

АҚШ ФУҚАРОЛИГИ САРИ ОДИМЛАР: НАТУРАЛИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИ НИМА?



Доимий яшаш ҳуқуқига эга бўлганларнинг АҚШ фуқаролигини олиши уларни янги ҳуқуқ ва афзалликлар билан таъминлайди. Шунингдек, АҚШ фуқаролиги янги мажбуриятларни ҳам юклайди. Ушбу мақолада АҚШ фуқаролигини олиш учун фойдали маслаҳатлар, фуқаролик олиш зарур бўлган жараёнлар ҳақида маълумот берамиз.

АҚШ фуқаролигини олиш учун ишонч қасамини келтиришингиз лозим. АҚШ Конституциясини қабул қилишингиз ва уни ҳимоя қилиш тўғрисида мажбуриятни ўз зиммангизга олишингиз лозим. АҚШ фуқаролигини олиш барча америкаликлар билан тенг мажбуриятларга эга бўлиш демакдир. Шу билан бирга, фуқаролик сизга маълум ҳуқуқ ва афзалликлар ҳам беради.

ФУҚАРОЛИК ОЛИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

АҚШда доимий яшовчилар АҚШ фуқаролари эга бўлган кўплаб ҳуқуқларга эга. Шунга қарамай, АҚШ фуқаролигини олишнинг кўплаб афзалликлари мавжуд. Улардан баъзиларини куйида кўриб чиқамиз:

- Сайловларда иштирок этиш им-

конияти. Федерал органларга сайловларда фақат АҚШ фуқаролари иштирок этиши мумкин.

- Ҳакамлик судларида ҳакам сифатида иштирок этиш имконияти. Фақат АҚШ фуқаролари ҳакамлик судларида аъзо сифатида иштирок этиши мумкин. Ҳакамлик судларида аъзо сифатида иштирок этиш АҚШ фуқароларининг муҳим мажбуриятларидан бири ҳисобланади.

- АҚШ фуқаролик паспорти билан саёҳат қилиш имконияти. АҚШ фуқаролик паспорти Америка ҳокимиятининг ўз фуқароларига хорижда ҳам кўмак ва ҳамкорлигини таъминлайди.

- АҚШга ўз оиласингизни олиб келиш имконияти. АҚШ фуқаролари ўз оила аъзоларини АҚШга доимий яшаш учун чақириб олишда афзалликларга эга.

- Хорижда туғилган фарзандларингизга АҚШ фуқаролигини олиш имконияти. Одатда, АҚШ фуқаролигини олган шахснинг хорижда туғилган фарзандлари тўғридан тўғри АҚШ фуқаролигига қабул қилинади.

- Федерал ҳокимият органларида ишлаш имконияти. Давлат идораларида маълум мансаблар учун АҚШ фуқаролиги талаб этилади.

- Сайланган мансабдор шахс бўлиш имконияти. Кўплаб сайланган мансабларга АҚШ фуқаролиги талаб этилади.

- Солиқ мажбуриятлари бўйича талабнинг мувофиқлиги. АҚШ фуқаролари ва АҚШда доимий яшовчиларнинг солиқ мажбуриятлари ўртасида фарқ бўлиши мумкин.

- АҚШда яшаш ҳуқуқини сақлаб қолиш имконияти. АҚШ фуқаролари

АҚШда яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

- Федерал грантлар ва стипендиялар олиш имконияти. Молиявий ёрдам кўринишидаги кўплаб грантлар, олий таълим муассасаларидаги талабаларга стипендиялар ва маълум мақсадлар учун бериладиган молиявий ёрдамлар фақат АҚШ фуқароларига берилади.

- Давлат нафақаларини олиш имконияти. Баъзи давлат нафақаларининг турлари фақат АҚШ фуқароларига берилади.

НАТУРАЛИЗАЦИЯ – АҚШ ФУҚАРОЛИГИНИ ОЛИШ ЖАРАЁНИ

АҚШ фуқаролигини олиш жараёни натурализация деб номланади. Қуйидаги талабларга жавоб берсангиз, натурализация учун ариза ёзишингиз мумкин:

1. Беш йилдан кам бўлмаган муддатда АҚШда доимий яшовчи сифатида истиқомат қилиш (АҚШ фуқароси билан никоҳдан ўтганлар ёки бирга яшовчилар учун уч йилдан кам бўлмаган муддат);

2. Охириги беш йил давомида АҚШ ҳудудида 30 ойдан кам бўлмаган муддатда истиқомат қилиш (АҚШ фуқароси билан никоҳдан ўтганлар ёки бирга яшовчилар учун 18 ойдан кам бўлмаган муддат);

3. Ариза топширгунга қадар ўша штат ёки округ ҳудудида уч ойдан кам бўлмаган муддат истиқомат қилиш.

Агар қуйидаги ҳолатларга мансуб бўлсангиз, сиз учун бошқа қоидалар ҳам амал қилади:

- Сиз ёки вафот этган ота-онангиздан бири, турмуш ўртоғингиз ёки фарзандингиз АҚШ Ҳарбий Кучларида хизмат кўрсатган бўлса;

- АҚШ фуқароларининг фарзанди бўлсангиз;

учиб турганди...

Кутилмаганда қарс этган овоз ва «Ая-жооооон! . . .» деган ҳайқирёқ эшитилди! Кўприқда турган йигитлардан бири, Салимнинг оёғи остидаги тахта синиб,

ҳовлилари чароғон бир бўстондек гавдаланарди. Бу сафар ҳам чинни гуллар чаман-чаман очилган боғчанинг ёнидаги сўрида унинг сингиллари билан бирга ўтириб дўппи тикаётган Олимани эсла-

БИР ДОНА ЧИННИГУЛ (Ҳикоя)

2009 йил Канадада бахтсиз ҳодиса қурбони бўлган ўзбек йигитлари хотирасига бағишланади.

ди. Улар томонда қиз-жувонлар бўш вақтларида дўппи тикиб бозорчи хотинларга беришарди. Қандай ажойиб дамлар эди-я. Ўша чиннигуллар исига тўлган ҳовлида қўшни қизга унинг меҳри тушган эди, улар болаларча не-не орзулар қилган эдилар...

Бўлмади. Уни икки кўча нарига узатиб юборишди. Тўғрида, касби йўқ, ўқимаган, отасиз ўсган бир йигитга кимнинг ҳам кўзи



ўзи пастга тушиб кетганди. Пастга кулаётган дўстларини кутқариб қолмоқчи бўлиб қолган тўрт йигит бирданига Салим қулаган томонга ташланишди. Шунда уларнинг оғирлиги кўприкни бир томонга оғдириб юборди. Камол кўп нарсани идрок қилишга улгурмади, фақат кўз олдида чароғон ҳовлиси, чаман бўлиб очилган чиннигуллар айланиб кетди...

У шу кўйи ўзига келмади. Бошқа ўртоқлари каби

Америка ҳуқуқи

1986 йилдаги Амнистия тўғрисидаги қонунга кўра, АҚШда доимий яшаш ҳуқуқини қўлга киритган бўлсангиз;

- Қочоқ мақомига эгасиз ёки АҚШдан сиёсий бошпана топгансиз;

- Хорижда доимий яшовчи АҚШ фуқароси билан никоҳдан ўтгансиз;

- АҚШ фуқароси бўлмаган шахс билан никоҳдан ажралиш тўғрисида АҚШ фуқаролигини йўқотгансиз;

- Баъзи компания ва нотижорат ташкилотларида хизмат қиласиз.

НАТУРАЛИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИ ҲАҚИДА ҚАЕРДАН МАЪЛУМОТ ОЛИШ МУМКИН?

18 ва ундан катта ёшдаги АҚШ фуқаролигини олишни истовчи шахслар М-476 Формасини (A Guide to Naturalization) олиши керак. Бу қўлланмада натурализациянинг талаблари ҳақида муҳим маълумотлар мавжуд. Унга сиз тўлдиришингиз лозим бўлган формалар ҳам илова қилинган.

АҚШ фуқаролигини олиш ҳуқуқига эга ёки йўқлигингизни аниқлаш учун «A Guide to Naturalization» қўлланмаси охиридаги «Натурализация ҳуқуқини аниқлаш учун рўйхат» М-480 Формасини тўлдириш керак. АҚШ фуқаролигини олиш учун ариза топшириш учун N-400 Формасини тўлдириш лозим.

М-476, М-480 ва N-400 Формалари бланкларини USCIS нинг 1-800-870-3676 рақамларига кўнғироқ қилиб ёки унинг вебсайтидан (www.uscis.gov) олиш мумкин.

Дилором АБДУЛЛАЕВА
тайёрлади.

у ҳам реанимацияда жон таслим қилди. Ўлими олдида алаҳсираб, «Менга бир дона чиннигул беринг, бир марта тўйиб ҳидлай!»- дея ёлвориб жон берди. Аммо унинг бу ўтинчига ажнабий докторлар ташқини мадилар ҳам, қизиқмадилар ҳам.

Камолнинг онгида доим чароғон бўстон бўлиб гавдаланадиган ҳовли бугун дод-фарёдга, қора кийинган маҳалла аҳлига, унинг дўстлари, танишларига тўлган. Ўзига ўхшаган мусофир ватандошларининг ёрдами билан ёш кетган йигитнинг ҳеч бўлмаса жасади ватанига қайтди. Эй вох, тўйимга деб йиққанлари бугун маъаракасига ишлатилляпти!

Ё Раб, тўйимга чақираман деган дўстлари бугун унинг жанозасига саф тортишди! Аввал эридан, энди эса ёлғиз ўғлидан айрилган хаста она фарёидан тошлар ҳам тарс ёриляпти, бутун маҳалла, бутун қишлоқ йиғляпти...

Эркалардан катта мато билан ажратилган аёллар орасида бир жувон ҳам эзилиб йиғларди...

У кўз ёшларини артаётган рўмолчанинг орасида эса бир дона чинни гул бор эди...

Аҳад АБДУРАҲМОН,
Вайоминг штати

МЕДВЕДОВГА ОШ ПИШИРГАН



Газетада, одатда, машҳур инсонларнинг номи чиқади. Машҳур бўлиш учун камида санъаткор, актёр ёки сиёсатчи бўлишингиз керак. Аммо баъзан машҳурларга яқин юрсангиз ҳам машҳур бўлиб кетишингиз ҳеч гап эмас.

Россия Президенти Дмитрий Медведевга шахсий ошпазлик қилиб, унга ўзбек паловини пишириб берган ватандошимиз Баҳриддин Чустийни ана шундай машҳурлардан десак муболага бўлмас.

Баҳриддин Чустий (Нажмиддинов) 1984 йил Наманган вилоятининг Чуст туманида туғилган. Ўзбек Миллий таомлари ошпази. Профессional ошпаз сифатидаги фаолиятини 2007 йил Москва ресторанидан бирида бошлаган.

Бугунга қадар «Рублев» (Москва), «Чарм эл Чейх» (Москва), «Кабоб маркази» (Тошкент), «Гранд Каскад» (Сочи) ҳамда Туркиянинг Аланя шаҳрида жойлашган «Тандир» ўзбек ресторанида бош ошпаз бўлиб ишлаган.

2010 йилда Москвада бўлиб ўтган «Ҳалол Экспо – 2010» кўргазмасида ресторанилар йўналиши бўйича биринчи, барча йўналишлар бўйича учинчи ўринни эгаллаган.

Сочида Россия Президенти Дмитрий Медведевга шахсий ошпазлик қилиб, унга ўзбек паловини пиширган.

Ошхона.уз сайти асосчиси. Интернет, газета ва журналларда ўз рецептлари ва суҳбатлари билан мунтазам чиқиб туради.

Ўзбекистон Ошпазлар Уюшмаси аъзоси.



Медведевга ош қилиш олдидан

- **Чустий тахаллуси билан танилган шоир борлигини биламиз. Ош пиширишни ҳам ижод деса бўладими?**

- Албатта. Пазандалик соҳасида беқиёс хизмат ва излашлар қилган. Марҳум устоз Карим Маҳмудов «Таом тайёрлаш - илмга асосланган бир санъатдир» деганлар. Шунингдек, у киши ўзларининг асарларидан бирида, «Мудом изланишда, таом тайёрлашда янгиликларга интилган ошпазларни ҳам

танлагансиз?

- Беш-олти йил муқаддам интернет саҳифаларидан бирида рўйхатдан ўтиш учун ҳар хил ном (тахаллуслар) ёзиб-ўчириб, охири калламга, асли Чустлик бўлганим боис, Чустий номи остида рўйхатдан ўтиш фикри келган эди. Шундан бери шу тахаллус билан қолдим.

- **Ошпазлик касбига қизиқиш қандай пайдо бўлган?**

- Ўзи аслида ошпаз бўламан деган ҳаёл калламнинг бир четида ҳам йўқ эди. Тўғри, ёшлигимда ҳам уйда ҳар хил таомлар тайёрлар эдим, ҳаттоки мактабларда бўладиган ҳар хил кечаларга пирог ёки бирон бир пишириш тайёрлаш керак бўлганда, ойманинг қўллари банд бўлиб қолса, ўзимга ҳам, ука-сингилларга ҳам ўзим тайёрлаган кунларим ҳам бўлган.

Аввалига бу соҳани вақтинчалик касб деб қараган эдим, сўнгги 4-5 йил ичида эса бу касбга меҳр ва қизиқиш тобора ортиб борди ва бормоқда.

- **Бизнинг маданиятда овқат пишириш аёлларнинг иши деган гап бор. Ошпаз эркак сифатида бунга қандай қарайсиз?**

- Тўғри, бу гап нафақат бизнинг маданиятда балки бошқа кўплаб халқларда ҳам учраса керак. Дарҳақиқат, пазандалик аёлларга хос, аммо ўша нозик хилқат вакилларининг пазандалиги, таомлари уйда, оиласи ва яқинлари учундир, яъни кичик давралар учун. Эркак

ошпазларнинг таомлари эса халқ орасида, кўча-кўйда, яъни катта давралар учун ҳисобланади.



Чустий ижодидан: «Палов» нон

- **Ўзингиз ижод қилиб кашф қилган таомларингиз борми?**

- Жуда кўп бўлмасда, бор.
- **Севимли таомингиз нима?**
- Норин.

- **Қайси таомни тайёрлашни яхши кўрасиз?**

- Миллий ошхонамизга оид деярли ҳаммасини, десам ҳам бўлаверади.

- **Ресторанларда, катта давраларда бирор овқатни ўхшатолмасдан бузиб қўйган пайтларингиз бўлганми? Шундай бўлиб қолса, нима қиласиз?**

- Бундай ҳолатлар деярли ҳар бир ошпазда кузатиладиган ҳол, одатда илк маротаба бирон бир янги таомни ёки ширинликларни тайёрлаганда кўнгилдагидек чиқмаслик

ҳоллари кўп кузатилади. Аммо шунга қарамай бир марта ўхшамади деб ортга тисарилиш ва тайёрлашдан тўхташ керак эмас. Биринчи марта ўхшамаган бўлса-да, кейингиларида, албатта, кутилган натижага эришилади.

Тайёрлаган таомлар агарда хўрандага бериладиган даражада сифатсиз бўлса, қайта тайёрлаб берилади. Агар вақт тигиз бўлса, бошқа таом тавсия қилинади.

- **Россия президентига ош пиширган экансиз? Бу қандай содир бўлди?**

- Ўтган йили сентябр ойлари эди. Ўша пайтларда Сочи шаҳридаги бир ресторанда ишлаётган эдим. Сочи Мери Анатолий Пахомов бизнинг ресторанига тез-тез ташриф буюриб таомланиб кетар эди. Шундай ташрифларнинг бирида, кечки овқатдан сўнг, мени ва шеригимни чорлаб, «Эртага бир ерга бориб, ош, лағмон, кабоб ва манти қилиш керак ва буни уддайлай оласизлар-



Ошга марҳамат!



Чустий иш устида

ижодкор деса бўлишни баён қилиб ўтганлар.

- **Нега Чустий тахаллусини**

Vatandin yaxshi yor bo'lmas!
VATANDOSH

“Ватандош” ҳар ой икки марта хонадонингиз меҳмони бўлишини истасангиз, газетамизга обуна бўлинг:

www.vatandosh.com/obuna

Сайтимиздаги кундалик мақола ва янгиликларга қуйидаги манзилда бепул обуна бўлишингиз мумкин:

www.vatandosh.com/sayt-uchun-obuna

Amerikada o'zbek to'qlarida xizmat qilamiz:
Video tasvirga olish va montaj
Fotosuratga olish Tel: 202-716-3683
E-mail: photovideo@uzland.biz

ЎЗБЕК ЙИГИТИ

ми?» деб сўради.

Булар кундалик ишимиз бўлгани боис, албатта, удалай оламиз, дедик. Аммо тайёрланган таом кимга ва қайерда тайёрланиши ҳақида билмасдик.

Улар кетгач, раҳбарлар эртага тайёрланган таом Россия Президенти Дмитрий Медведев учун эканлигини айтишди.

Эртасига тушликдан сўнг 14:00 да биз айтилган жойга бориб, ҳозирлик кўра бошладик. Шеригим ичкарида кабоб тайёрлади, мен эса ташқарида Медведев ва унинг рафиқаси учун ҳозирланган ишқом олдида ўзбегим паловини тайёрладим. Ошни дамлаш вақтида Президент жанобларининг ўзлари қозон бошига келиб, ошни тайёрлаш жараёнига қизиқиб, кузатиб кетдилар. Ош тайёрлаш жараёнини суратга олди.

- **Медведевга қанақа ош пиширдингиз? Рецептини айтвинг.**

- Ўзимизнинг чойхона паловни тайёрладим.

Маҳсулотларни тартиб рақамига қараб қозонга аввал қай бири ташла-нишини билиб олиш мумкин

1. Қуйруқ – 400 гр (яхшилаб эритиб, жиззасини олиб, қолган ёғини яхшилаб қизитасиз).

2. Пиёз – 2-3 дона (ёғ росаям қизигач, пиёзни яхшилаб қувурасиз, кизартириб қовуриш керак).



Чустий нафақат ошпаз, балки наққош уста ҳамдир.

3. Қўй гўшти – 1 кг (пиёз яхшилаб қизариб қовурилгач гўшт ташланади. Гўштнинг суви чиқади. То шу сув тугаб гўштнинг суви ўз ўрнини ёққа бўшатмагунча қовурилади).

4. Сабзи – 1кг (сабзи енгилгина қовуриб олинади, яъни жуда ҳам кўп, жуда ҳам кам эмас).

5. Сув – 1-1, 2 литр (сабздан сўнг сув қуясиз. Унчалик кўп эмас, сабзини бироз кўмса бас).

6. Гуруч -1 кг (сув қуйгандан кейин бироз қайнагач, гуручни соласиз. Токи сувини тортиб олгунга қадар фақат гуручни енгил-енгил айлан-тириб турасиз).



Чустий ижодидан: Нақш солинган тарвуз

7. Зиравор ва туз таъбга кўра (сувни шимиб олгач, ошни дамлашдан олдин зираворларни ташлаб, 15-20 дақиқа мобайнида дамлайсиз).

Ушбу палов рецептини босқичма-босқич расмлари билан www.oshxona.uz сайтидан топишингиз мумкин.

- **Медведевдан бошқа яна машҳур одамларга овқат пиширганингиз?**

- Ишлаган рестороанларимда ҳар хил маросимлар муносабати билан, актёр ва санъаткорлар ташрифини инобатга олмаганда, шахсий таклиф билан ҳали тайёрлаган эмасман.

- **Суратларингизни кўрдик, тарвуз каби полиз маҳсулотларини нақш қилиб ўйиб, уларга турли сўз ва ибора-**



“Halal Expo - 2010“ кўргазмасидан, Москва, 2010-йил.

ларни чизишни ҳам қойиллатар экансиз? Бу санъатни қаердан ўргангансиз?

- Бу соҳанинг номи «карвинг» деб аталар экан. Бу ишни илк марта бундан 3-4 йил муқаддам бир танишимнинг телефонида кўрган эдим. Шундан сўнг шу соҳани ўрганишга қизиқиш ортди. Москвада махсус ўқув мактаби ҳам борлигини аниқладим. Аммо ўша пайтлар иш билан бўлиб, вақтимиз чегаралангани боис ўқиш фурсати бўлмади.

Лекин барибир шуни ўрганаман деган аҳдим бор эди. Ҳар куни ишдан сўнг уйга келиб, кечаси билан интернет саҳифаларида карвингга оид маълумотлар, онлайн видео дарсларни ўргана бошладим. Карвинг бўйича устозим «Youtube» ёки интернет десам ҳам бўлаверди.

- **Ҳалиям уйланмадингизми? Қўли ширин ошпаз йигитга тегаман деган қизлар кўп бўлса керак?**

- Йўқ. Билмасам (Кулади).
- **Уйлансангиз, келин бола ошхона ишларига уча аралашмаса керак?**

- Кўпчилик шундай деб ўйлайди, аммо аслида бу ўй хато. Чунки, нафақат мен, балки деярли барча ошпазлар, куни билан қозон атрофида, таом тайёрлаш билан куни ўтади. Уйга қайтгач ва дам олиш кунларида эса, ҳеч бўлмаса бир кун бўлса-да, ошхонадан узоқроқ турушни исташади. Узоқ муддатли танаффус ва таътиллarda эса ошхона хумори тутиши ва ўз-ўзидан ошхонага кириб бир нарсалар тайёрлаш кузатилиши мумкин.

- **Газетамиз мухлислари асосан сиз каби чет элдаги**

ёшлар. Кўплари ҳали оила ҳам қурмаган. Уларга тез ва осон тайёр бўладиган бирор таом рецептини айтиб берсангиз.

- Уларга тез ва осон тайёр бўладиган бир кишилик «Коса дим»



“Коса дим” таоми

номли таомнинг рецептини айтиб бераман.

Бир косага ёки чуқурроқ бирон бир идишнинг остига 1-2 кичикроқ бўлак думба ёғ ҳамда 2-3 бўлак гўштни териб чиқасиз ва таъбга кўра зираворлар сепашни ҳам унутманг.


Сўнгра, ярим ҳалқа шаклида тўғралган бир бош пиёз, устидан 1-2 дона картошка, булғор қалампери, саримсоқ пиёз, сабзи ва помидорни бир неч бўлакчалардан соласиз ва устидан, таъбга кўра, туз сепасиз.

Косани манти қосқонга қўйиб, қайнаб турган сувни устига манти каби 40 дақиқага димлаб буғда пиширлади.

Тайёр бўлгач устига ошқўкатлар сегиб, дастурхонга тортиқ қилинади. Ёқимли иштаҳа!

- **Суҳбатингиз учун ташаккур. Иштаҳамизни очиб юбордингиз.**

Беҳзод МАМАДИЕВ
суҳбатлашди.



4112 18 Av, Brooklyn, NY, 11218

Uyguv
Food
1141

KASHKAR
cafe
ЛАГМАН • МАНТЫ • ШАШЛИК • САМСА

True
Delicacy
International
Food
718-743-3832

KASHKAR CAFE

1141 Brighton Beach Ave, (between Brighton 14th st. and Brighton 15th st.) Brooklyn NY 11235 USA.
Phone: 1 718-743-3832
www.kashkarcafe.com Email: info@kashkarcafe.com

ГИТЛЕРНИНГ ФУҚАРОЛИГИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Австриянинг Браунау шаҳри кенгаши Адолф Гитлери фахрий фуқароликдан маҳрум этди. Гитлер Австриянинг ушбу шаҳрида 1889 йили туғилган эди.

Гитлер болалигидан Германияга кўчиб ўтган ва натижада ҳеч қачон расман Австрия фуқароси бўлмаган эди. У Германияда ҳокимият тепасига келгандан сўнг 1933 йил Браунау шаҳрининг Гитлер туғилган Раншофен жамоаси Гитлерга фахрий фуқаролик мақомини беради.

Гитлер ҳукмрон Германия 1938 йил Австрияни ўз империяси таркибига киритгач, Гитлерга Австрияда яшаш ҳуқуқи ҳам берилди. Қуни кеча қабул қилинган фуқароликдан маҳрум қилиш қарорига Гитлери Австрияда яшаш ҳуқуқи ҳам олиб ташланди.

1945 йил Берлиндаги ҳарбий бункерда ўзини ўзи ўлдириб жон берган Гитлер орадан ярим аср ўтиб туғилган жойидаги фуқаролик ва яшаш ҳуқуқидан ҳам маҳрум бўлди.

ҚАБРИСТОННИ СУДГА БЕРИШДИ

“Рейтерс”нинг хабар беришича, нью-жерсилик икки опа-сингил маҳаллий қабристонни судга берган. Хабарда ёзилишича, опа-сингиллар яқинда оналарининг қабри деб 25 йил зиёратларига борган жой аслида бегона бир эркакнинг қабри эканини билиб қолишгандан сўнг шундай қарорга келишган.

“Бу улар учун қутилмаган зарба бўлди, дейди шикоятчиларнинг адвокати. — Улар бу қабрга 25 йил давомида қатнашди. Бу ерга гуллар экишди, шу қабрдаги инсон учун ибодат қилишди”.

Қўрилган маънавий зарар учун аёллар Нью-Жерсининг Линден шаҳрида жойлашган “Rosehill” қабристонидан 25 млн. доллар тоvon пули тўлашни талаб қилиб, Бруклин судига шикоят қилишган. Аёллар Нью Йоркнинг Куинс ҳудудида яшашади.

Ушбу суд машмаси қабристон маъмурияти яқинда икки опа-сингил оналарининг қабри аслида бошқа жойда жойлашгани ҳақида хабар берганидан кейин бошланди.

Бу икки қария аёлнинг норозилигини тушунса бўлади. 25 йиллик ибодат ва эътибор бой берилганидан ташқари, опа-сингиллар оналарининг қабри деб ҳисобланган жой ёнидан кун келиб ўзларининг қабри қўйилиши учун янги жой ҳам сотиб олишган экан.

ЯРИМ АСР КЕЧИКАН СЕВГИ МАКТУБИ

Яқинда Пенсилванядаги Калифорния университети хат келди. Унга босилган почта муҳрида 1958 йилнинг 20 феввали ёзилган.

Хат Вонни (Vonnie) исмли бир қиз томонидан ушбу университетнинг ўша пайтда иккинчи курс талабаси бўлган Кларк Мур номига 1958 йилда ёзилган. Кларк Мур, агар тирик бўлса, ҳозир 70 ёшда бўлиши керак. Унинг бошқа штатда яшашини айтишмоқда.

Мактубда севги ихзори битилган. Унинг нега 53 йил кечикиб келганига ҳамма ҳайрон. Мактубни почта хизматчиси одатдаги хатлар билан бирга келтирган.

“Мен сени ҳар доимгидек соғиняпман ва сени яна минг марта яхши кўраман. Илтимос, менга тезроқ жавоб ёз”, дея тамомланган ушбу севги мактуби.

«МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ»ГА ИШОНАСИЗМИ?

«Кийимларнинг очиқ ва тарангини танланг. Севги можаролари билан банд бўлишингиз мумкин».

Бу радио орқали берилётган «мунажжимлар башорати»дан парча. Муҳтарам мунажжимлар мазкур сўзлари билан нимани тарғиб қилаётганлари таҳлилини бироз кейинга қўйиб туралик-да, аввало, ҳозирда алоҳида илм сифатида эътироф этилаётган бу соҳанинг аслида қанчалик тўғри ёки нотўғри эканига эътибор қаратайлик.

Бугун мунажжимлар башоратини чоп этмайдиган газетани топиш қийин. Уни ўқимайдиган одам ҳам кам топилади. Ҳозир ораминда мунажжимлар башорати дея аталаётган, тақдирларни олдидан айтиб бериш вазифаси бўлган бир «илм» пайдо бўлган. Унинг ҳаётида қанчалик чуқур илдиз отиб улгургани юқоридаги мисоллардан кўриниб турибди.

Мунажжимлар башоратини кундалик ҳаётида йўриқномага айлантириб олганлар ҳам йўқ эмас. Мен шундайлардан бирини биламан. Ўзи олий ўқув даргоҳида ишлайдиган аёл. Зиёлилардан десак ҳам бўлади. Бир куни у, газеталардаги юлдузлар таъбири ҳар доим ҳаётимда айтилганидек рўй беради, деб қолди. Ачинарлиси, у ўзини зиёли деб билади. Касби ўқитувчилик...

Наҳотки, ғайбдан фол очиш, ёлғиз Аллоҳдан ўзгасига ноён бўлган тақдир ишига дахл қилиш бандасининг юмушига айланиб қолган бўлса?

Бугунги кунда газеталаримизнинг сўнгги саҳифаларини босиб кетган «мунажжимлар башорати» қанчалик ҳақиқатга яқин? Уни кимлар тузади? Бу таъбирларнинг шунчалик омма эътиборига тушишининг сабаби нимада? Балки, уларда ростдан ҳам ҳақиқат мавжуддир.

Ана шундай саволларга жавоб топиш мақсадида ўтказилган кўплаб тадқиқотлар гороскопларда тақдирни олдидан айтиб бериш қобилияти йўқ эканини кўрсатмоқда. Ҳарбда чиқарилган илмий мақоаларда нафақат гороскоп, умуман, илми нужум — астрологиянинг чинлиги буткул шубҳа остига олинаётди.

Маълумки, илми нужум, қадимги Римда жуда машҳур бўлган. Коперник томонидан дунёнинг гелиоцентрик система (қуёшнинг марказ бўлиб, барча сайёралар унинг атрофида айланиши) назарияси кашф этилган, бу соҳага қизиқиш ҳийла сусайган. Лекин инсониятнинг астрологияга қизиқиши ХХ асрнинг 2-ярмидан бошлаб яна ортиб борди. Бугунги кунда гороскоп — жадвал тузиб бизнес қилиш бутун дунёга кенг тарқалган.

Сўровномаларнинг кўрсатишича, британияликларнинг қарийб 90 фоизи мунажжимлар ва фолбинларнинг башоратларига муайян даражада ишонар экан (50 йил олдин бу кўрсаткич 13 фоиз бўлган). Туманли Албионнинг 80 фоиз аҳолиси ўз гороскопини муттасил ўқиб боради. 60 фоизи эса унга амал қилади.

Юртимизда ҳам мунажжимларнинг муҳлислари талайгина. Ҳар уч одамнинг биттаси, қўлига газета олди, дегунча, ўз буржини ўқишга тутинади. Айниқса, бу ҳолат аёллар орасида юқори.

Тақдирни олдидан билиш жозибаси азалдан инсониятни ўзига мафтун қилиб келган ва бу қизиқиш бугунги технологик тараққиёт ривожланган замонда ҳам асло сусаймапти.

Ўтган асрда австралиялик доктор Жеффри Дин (унинг ўзи бир пайтлар илми нужум билан шуғулланган) ва канадалик психолог

Иван Келли тадқиқот ўтказиб, илми нужум соҳибларининг башоратлари мутлақо ёлғондан иборат эканини эълон этишди.

1958-йили бир вақтда (орада бир неча дақиқа фарқ бўлиши мумкин) туғилган икки минг чақалоқ алоҳида ҳисобга олинди. Илми нужум қоидаларига кўра, юлдузлар бу чақалоқларга бир-бирига ўхшаш



тақдирлар лозим кўриши керак эди. Олимлар йиллар мобайнида ана шу икки минг гўдакнинг улғайиши, уларнинг феъл-атвори, касб-кори, оилавий аҳоли, асаби, математикага иқтидори, ижодий қобилияти ва бошқаларни ўрганиб боришди. Бироқ бу гуруҳдагиларнинг барчасига дахлдор бўлган бирор-бир умумий хусусият юз кўрсатмади. Феъл-атворлар ҳам, тақдир руҳий ҳолат, ташқи таъсирга мойилликлар ҳам турличалиги кузатилди.

Олимлар турли вақтларда ҳар хил илмий муассасалар томонидан ўтказилган қирқдан ортиқ ҳолис тадқиқотлар натижаларини ҳам келтиришиб, илми нужум башоратларини шубҳа остига қўйишди.

Доктор Дин «Санди Телеграф» газетасидаги мақоласида: «Астрологлрнинг фалоияти аниқ принциплардан холи, уларда башорат қилишнинг онгли равишда қабул қилиш мумкин бўлган механизми йўқ, астрологияга оид китобларда булар ҳақида бирор-бир сўз айтилмаган. Бу китобларнинг ўзи эса алдовга йўғрилган машқлар, холос», деб ёзади.

Гринвич университети профессори Ч. Янг астрологлрнинг «ўжар»лиги сабабларини моддий манфаат билан боғлайди. Унинг талқинича, бугунги астрология — жуда катта халқаро бизнес, унда минглаб одамлар иштирок этади. Газеталар, журналлар, веб-сайтлар, одамлар бу соҳадан миллионлаб доллар ишламоқда.

Чуниингдек, Россия об-ҳавони ўрганиш марказининг сайёралар ҳаракати ва гелиогеофизикавий текширувлар лабораторияси мудирини Николай Сидоренко бундай дейди: «Маълумки, қуёш кузда осмон экваторини кесиб ўтади ва бу нуқта куз тенгкунлиги деб аталади. Астрологлр (мунажжимлар) эса уни бурж белгисига кўра «Тарози» деб аташган. Лекин гап шундаки, тенгкунлик белгиси, қуёшнинг туғилиши ва бурж белгилари бундан икки минг бир юз йил муқаддам астрология гуллаб яшнаган Вавилон ва қадим Юнонистонда амалга киритилган эди. Қуёшнинг бурж юлдузларига нисбатан ўрни алмашиб тургани учун бу йил қуёш Тарози юлдузлар туркумига «одатдагидан» бир ой кеч кирди. У асл ўрнига қайтиб бориши учун яна 25700 йил керак бўлади. Эски мунажжимлар айнан мана шу «кечкиш»дан беҳабар бўлишган. Ҳозиргилари буни билсалар-да, ҳамон эскича «ҳисоб-китоб» қилган мунажжимлар башоратидан фойдаланишмоқда».

Яна бир россиялик назарий-физик, академик, Нобел мукофоти соҳиби Виталий Гинзбургнинг бу ҳақдаги фикри билан

танишинг. У «АРГУМЕНТЫ И ФАКТЫ» муҳбири билан бўлган суҳбатда шундай дейди: «Астрология ғирт бемаънилиқ, фанни шунчаки инкор этишнинг ўзгинасидир. У нима ни таъкидлайди? Гўёки одамнинг туғилиш пайтида юлдузлар ва сайёралар унинг келажакдаги бутун тақдирини белгилар эмиш. Ўтмиш аждодларимизнинг астрология билан шуғулланганларини тушунса бўлади. Илгари одамлар сайёралар ҳаракатини билишмас эди. Тўрт юз йил муқаддам улғ фалакиётчи Иоханн Кеплер гороскоп тузиб, пул ишлаган. Лекин шундан буён фан олдинга улкан қадамлар ташлаб, сайёра ва юлдузлар тақдирга ҳеч қандай таъсир ўтказма олмаслигини аллақачон исботлаган».

Динда ҳам тақдирни олдидан башорат қилиш қаттиқ қораланади. Фолбинлик қилиш, юлдузларга қараб инсон ҳаётини таъбир қилиш гуноҳи қабири ҳисобланади.

Умуман, Ислон шариятида илми нужумни ўрганиш тақиқланмаган. Уламолар бу илми иккига бўлишган. Биринчиси ҳисоб-китоб илми. Бинобарин, Қуръони Карим ой ва қуёшнинг сайр қилиши ҳисобли эканидан хабар беради. Аждодларимиз қуруқлик ва денгизда йўл топиш, намоз, рўза, ҳаж каби ибодатлар вақтини аниқлаш, деҳқончилик ишларини ташкил этиш учун юлдузлар илмидан фойдаланишган.

Илми нужумнинг иккинчи қисми эса, улғ аллома Имом Ғазолийнинг фикрига кўра, ҳукмлар илмидир. Илмининг ушбу тури шариятимизда тақиқланган.

Умар ибн Хаттоб (р.а.): «Қуруқлик ва денгизда йўл топадиган миқдорда юлдузлар илмини ўрганиш, сўнг қолганидан ўзингизни тийинг», деганлар.

Хуллас, динимиз ҳам, бугунги замонавий илм ҳам мунажжимлар башоратининг мутлақо ёлғондан иборат эканини таъкидлайди. Биздаги газеталарнинг аксарияти «башоратлар»ни ўзлари тузишлари ҳам сир эмас. Муштарийларни хурмат қиладиган айрим оммавий ахборот воситалари маълумотларни интернетдан, русча манбалардан таржима қилишади. Лекин бу икки фаолият орасидаги фарқ унчалик ҳам кўп эмас. Ҳар иккисида ҳам башоратларнинг йўқ жойдан тўқилиши ҳақиқатга яқинроқ.

Энди юқорида келтирилган мисолимизга озгина тўхталиб ўтсак. Унда мунажжим бир бурж вақтисига қандай кийиниш кераклиги ҳақида маслаҳат берапти. Эътибор қилинг:

«Кийимларнинг очиқ ва тарангини танланг. Севги можаролари билан банд бўлишингиз мумкин».

Таъбирчи бу башорат билан қизларни нимага ундапти? Юлдузлар бераётган «хабар» уларни ахлоқан тубанлик, ҳаёсизлик сари бошламаяптими? Наҳотки, биз инсон бўлатуриб, ўз ақлимизга, Худо берган фаросатимизга эга бўлиб, қайердаги бир жонсиз жисмларга ишонишимиз керак? Агар юлдузлар таъбирида қандайдир илоҳийлик бор деб айтадиган бўлсак, бу даъвонинг ҳам нотўғри эканлигини юқорида кўрдик. Қолаверса, мунажжимлар башоратининг анчайин қадимда, одамларда юлдузларга топиниш ҳақида бузук эътиқод мавжуд бўлган даврда юзага келганлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Афсуски, неча минг йиллар ўтган бўлса ҳам бу бузук эътиқод ҳануз одамлар онгида кезиб юрибди.

Хўш, Сиз бунга нима дейсиз? Ёки Сиз ҳам мунажжимлар башоратига ишонасизми?

Бехзод МАМАДИЕВ

Кундалик ҳаётда турфа феъл-автор, турфа тийнатдаги кишилар билан рўбарў бўласиз. Одамларнинг бармоқ излари каби феъли хўйи ҳам бетакрор: яхши ва ёмон, самимий ва тилёғлама, ростгўй ва ёлгончи, хайрихоҳ ва ғаразгўй, дўст ва душман... Атрофингизда сизни тушунадигандан тушунмайдиган, қўллайдигандан оёқдан чаламан деганлар кўпроқдек туюлади. Шунга қарамай, кўпинча бағрикенглик қиласиз – сизни ёмонлиққа чиқариб бўлмағур овозалар тарқатиб юрган танишингизнинг қилмишини билмасликка оласиз. Дўстман деб душмандан ҳам тубанроқ ишлар қилиб юрганларни кечирिशга куч топасиз. Яхшики, бу оламда муросайи мадора деган тушунча бор. Акс ҳолда, ким билади, ҳаётимиз натижасиз уриш-жанжаллар, адоқсиз мунозараю мужодалалар билан ўтиб кетармиди!

сиз, сизга ҳуш ёқавермайдиган одатларини кўрмасликка оласиз, қусурларини фазилат деб қабул қиласиз. Биласизки, айбсиз дўст излаган дўстсиз қолади.

Бўлмағур ғалвалари билан атроф-жавонибда отнинг қашқасидек танилган қўшнингиз билан ҳам амаллаб тил топишасиз. Буям бир синов-да. Қолаверса, муслмончиликда қўшничилик ҳаққи деган гап бор.

Хонаси келганда, сизга душманлик йўлини тутган одамлар билан ҳам муросага борасиз. Аслида-ку, рақиб ҳам дўстдек гап. Негаки, рақиблар бўлгани учун доим атрофга тийрак назар билан қарайсиз, йиқилиб қолмаслик, орқада қолиб кетмасликка уринасиз. Забардаст адиб Тоғай Мурод ҳам "Мен нимага эришган бўлсам – барчаси учун ғанимларимдан миннатдор бўлдим... Яшасин, ғанимларим!" деб бежиз

МУРОСАСОЗЛИК ВА МУРОСАСИЗЛИК

"Олтин ўрталик" қаерда?

Муросагўйлик – жуда ҳам қадрли фазилят. Айниқса, бугунги зиддиятлар замонида. У ҳаётимизни энгиллаштиради, елкамизни босиб турган зил-замбил юқдан халос этади. Муросайи мадора келтирадиган катта наф шуки, у қилдан ҳам нозик асаб толаларимизни ортиқча зўриқишлардан сақлайди, бозордан пулга-да топиб бўлмайдиган хотиржамлик неъматини тухфа этади. Муросадан бебахра одамнинг яшаши эса... анчайин қийин кечади. Негаки, ҳаётимиз кўнгилга ўтиравермайдиган, аммо муроса қилишга тўғри келадиган вазиятлар билан тўлиб-тошган.

Эрталаб ишхонага шоша-пиша кетаётган пайтда йўловчилардан бирига туртини кетасиз. Гарчи айбсизлигингиз аён бўлса-да, сизга қараб хезланиб турган азаматнинг ёвқарашига жавобан узрхоҳлик билдирасиз. Албатта, унга муносиб жавоб беришингиз, яхшилаб "пўстагини қоқиб қўйиш"ингиз мумкин. Аммо фаросатдан бенасиб одам билан тортишиб обрў топиб бўлмаслигини яхши биласиз.

Ишхона остонасидаёқ сизни орқаваротдан ғийбат қилиб юрган ҳамкасбингизга дуч келасиз. Ҳар галгидек, у кўрмасликка олиб ўтиб кетмоқчи бўлади. Аммо муроса санъатини пухта эгаллаган инсон сифатида биринчи бўлиб унинг истиқболга чиқасиз, салом берасиз. Ҳамкасбингизга тақлид қилиб "юзингда кўзинг борми" демай, ўтиб кетишингиз ҳам мумкин. Аммо юрагини кин эгаллаган бу одамга ўхшаб ичиқоралик қилишни асло истамайсиз...

Иш юзасидан раҳбарингиз ҳузурига чорлайди. Тунд кайфиятидан биласизки, мақтов эшитиш мавриди эмас. Қутилгандек раҳбар сизга дакки бера бошлайди. Аслида айтиладиган камчилик у қадар жиддий бўлмаслиги, қаттиқ-қуруқ гаплар айтишга арзимаслиги ҳам мумкин. Шунга қарамай, бошлиқ билан ҳам муроса қиласиз – битта гапдан қоласиз, балки айб ўзимдан ўтгандир, дея кўнгилга таскин берасиз. Раҳбарга қарши чиқишингиз, унинг жамоа орасида дoston бўлган айрим камчиликларини юзига солишингиз ҳам мумкин. Лекин биласизки, бу каби арзимас хархашалар билан ўралашиб қолсангиз, асосий иш четда қолади, вақтингизни муҳим юмушлар қолиб беҳуда нарсаларга бой берасиз.

Дўстингизнинг ғалати қилиқларига тоқат қиласиз, ношудликларига кўз юма-

ёзмаган.

"Одамлар билан муросайи мадорага киришиш ҳам садақа", дейилади ҳадиси шарифда. Демак, кимнингдир ёмонлигига, фаросатсизлигига, боринги, душманлигига тоқат қилган одам савобга нойил бўлади.

Муроса йўлини тутган одам ҳеч қачон ютқазмайди – ғалаба доим унинг томонида бўлади. Бугунги ихтилофлар замонида муросайи мадора ҳамма даврдан ҳам муҳимроқ аҳамиятга эга. Бу халоскор куч кўзда ёшдек қалқиб турган дунёни қирғинбаротлардан омон сақлайди, ҳарб майдонида жанг қилаётган аскарларга сулҳ муждасини етказилади.

Айни замонда, барча нарсанинг меъёри бўлгани каби муросасозликнинг ҳам чегараси бор. Жамиятга зарар келтириб, мудҳиш жиноятга қўл ураётган кимса билан муроса қилинмайди. Чунки жиноят билан муроса қилиш унга шерик бўлиш, уни рағбатлантириш билан баробар.

Кўпчиликнинг ҳақиқа хиёнат қилаётган, ҳалол билан ҳаромни қориштириб юборган нокаса нисбатан муроса йўли тугилмайди. Ҳадиси шарифда: "Ёмонликни қўл билан, тил билан ёки қалб билан қайтаринг. Аммо учинчиси имоннинг заифлиги белгисидир" дейилади. Шундай экан, инсонларни залолатга бошлаётган, ҳидоятдан адаштираётган иллатлар тарқалишига томошабин бўлиб турилмайди. Бирнинг касофатига мингга уради. Залолатга ботган кас атрофдагиларни ҳам ўзи тушган чоғга тортай дейди.

Одамлар юзига оёқ қўйган, ёвга терс қараган қўрқоқларга нисбатан муросасозлик кетмайди. Яқин ва йироқ кечмишимиздан мерос аччиқ тажриба шуки, ҳуррият учун кураш айнан ёғийга муросасоз ва садоқатсиз кимсалар сабабли осонликча йўққа чиқарилган. Шу маънода, муросани қўлликка розилик ва хиёнат билан чоғиштириб юбормаслик керак.

Муросасозлик – ҳар кимнинг етовига юриб кетиш, учраганга қўллик ва қўллуқ қилиш, ноҳақликларга кўниш эмас! Муросасозлик мустақил фикр, қатъий позициядан мосуво бўлиш ҳам эмас! Муросайи мадора ҳеч қачон мудҳиш жиноят ва ёвузликларнинг илдиз отишига доялик қилмаслиги керак.

Абдул СОБИР

АМЕРИКАНСКИЙ ИНСТИТУТ ПАРИКМАХЕРОВ

ПРЕДЛАГАЕТ: Эффективный курс ПАРИКМАХЕРА за 10 Недель

- стрижка модельная мужская и женская
- укладка, бритьё, массаж лица
- Высококвалифицированные преподаватели
- Удобное расписание
- По окончании выдается сертификат
- Наши студенты практикуются на клиентах
- В отличии от других школ и нас низкая стоимость

15 лет в business

Начните карьеру ПАРИКМАХЕРА сейчас!

Более 1000 студентов нашей школы получили дипломы и работают в престижных районах Нью-Йорка!

AMERIKA SARTAROSHLAR INSTITUTI

O'n haftalik o'quv kurslarini taklif etadi.

- Malakali mutaxassislar dars beradi;
- Qulay dars jadvali;
- O'qish so'ngida sertifikat beriladi
- Mijozlar ustida to'liq amaliyot o'tkaziladi

Eng muhimi, narxlarimiz arzon!
Ish bilan ta'minlashda yordam beramiz.
15 yildan beri faoliyat yuritamiz.



Помогаем в трудоустройстве

Звоните прямо сейчас по телефону: (212) 227-6351
113 Chambers Street New York, NY 10007

Тез ва Қулай Компютер Тузатиш



- Операцион системани созлаш
- Вирусларни учирриш
- Виндовсни Оптимизация қилиш
- Учиб кеткан файлларни тиклаш
- Компютерга ота-она назоратини ўрнатиш

Уйингиз ёки ишхонангиздаги компютерни созлаш

Call for appointment
T: (347) 445-4648
Shohruh

Текин
Антивирус
Програм-
маси

"Individual Computer Courses"
Microsoft Office • Movie maker
Installing Programs • Installing Windows
Adobe Photoshop • Adobe Illustrator
Graphic Designing

2705 Coney Island Ave
Brooklyn, NY 11235
nyComRe@gmail.com

WITH THIS COUPON ONLY!
Purchase of \$30 or more get 15% OFF
Purchase of \$18 or more get 10% OFF
Only delivery or pick up

NEW!

#1 Istanbul Kebab House
Fresh And Healty Food
We Serve Halal Food

712 9th Avenue (btw 48-49 St.)
New York, NY 10019
Tel/fax: (212) 582-6262
Tel: (212) 582-8282

БИЗНИ ЖАҲОЛАТ - ЖАҲЛИ МУРАККАБ

Қуйидаги мақолада Туркистоннинг жадид зиёлиларидан бўлган Мунаввар қори XX аср бошида ватанимиз юз тутган саводсизлик ва мактаб-мадрасалардаги эскирган усул таълимини танқид қилади. Матни мушкул, дунё охираат учун фойдаси бўлмаган Фузулий, Навоий, Бедил каби адиблар асарлари ўрнига ва диний таҳсиллар қаторига дунёвий фанларни ҳам кўшиш керак, дейди муаллиф. Ватанимиз равнақи учун таълимнинг катта аҳамияти эга экани бугунги кунимиз учун ҳам айни ҳақиқатдир.

Таҳририят

Ҳар миллатнинг мактаб ва мадрасаси ўлдиғи каби, бизни ҳам мактаб-мадрасаларимиз гарчи бенизом ва беусул ўлса ҳам, йўқ демак даражада оз эмас. Ҳар миллат авлодини тарбиялаш ва таълими улумда кўрсатган ҳиммат ва ғайрати каби бизларда ҳам ўз маъсум авлодларини жаҳолат ва ғафлат зулматида қолмоқига ҳеч бир ризолари ўлмай, қўлларидан келганча таълим ва тарбияти авлодда қусурлик кўрсатмакчи зотлар мавжуддирлар.

Ва лекин дунёга нима учун келгонини билмай, илм ва маорифга асло рағбат қилмай, жонидин ширин болаларини кўча-бақўча кездриб, бечора маъсумнинг азиз умрини жаҳолат оташина ёндирғувчи беҳамият ва бедиянат оталар ҳам орамизда оз эмасдур. Кўп диндошларимизни кўрармизки, ўз фарзандларини асло мактабга бермай орқаларидин эргаштириб, руслар эшигида ўзлари каби хизматчиликка ўргатиб, дунё ва охираатнинг саодати ўлгон илм ва маорифдин маҳрум қўймоқдин ҳеч бир ибодат қилмаслар. Баъзи азизларимиз бордурки, ўғлини қўлидин тутиб мактабга олиб борур. Муаллимдан толиб қилурға: «Тақсир, шу ўғлимни гўшти сизники устихони бизники, бир илож қилиб, тезлик ила нақд ва насия ёзмокни ўргатиб берурсиз», дер. «Эшагига яраша тушови» деган ўзбек мақолича, муаллимлар ҳам аксарлари қонуни таълим-тарбиядин бутун-бутун беҳабар кишилар ўлуб, балки ўқув ва ёзувни ҳам лозиминча билмасликлари ваҳидан бечора маъсумларни истеъдоди зотиясига наззора икки йил зарифида жамиъ лавозумоти динияни билдирмоқ мумкин ўлгон ҳолда, тўрт-беш йилгача ҳижжа усули бирла дунё ва охираатга фойдаси бўлмагон Фузулий, Навоий, Хўжа Ҳофиз ва Бедил каби мушкул манзума китобларга умри азизини барбод этарлар.

Эй ватандошлар! Диққат назари ила боқинг! Бир болани мактабга бермақдан мақсуди вожибот диниямиз ўлгон илми қироат, масоили этиқодия, фарз, вожиб, суннат мустаҳаб, ҳаром, мақруҳ, намоз ва рўза, ҳаж ва закотларни ҳам заруроти дунявиямиз ўлгон илми ҳисоб, жуғрофия, таворих, хусусан, «Тарихи Ислом» каби фойдалиқ илмларни билдурмоқ ўлгон ҳолда жоҳил домларнинг «таълими фалоний, қоши қаро, қаро кўзи, қаро юзи, оҳ, сўзи ширин», деб болаларни фасод ахлоқига биринчи сабаб ўладурғон манзума китоблар ўлмиш.

Бу хусусда отада айб йўқ, чунки бу бечорани этиқодиди болани ўқутмоқ ёлғиз нақд ва насия ёздурмоқдин иборатдур. Муаллимда ҳам айб йўқ,

чунки бу зикр қилингон улуми зарурияларни бечора муаллимнинг ўзи билмас, балки баъзиларини исмини ҳам эшитган эмас. Бечора на қилсун? Ночор, бефойда бўлса ҳам мактабларда болаларга ўқитгудек булардан бошқа бир китоб топилмагон замонларда ўзи ўқиб, билган китоблари шу китоблар ўлдиғи чун эски ўрунларда эски тушларин кўрмақдадурлар. Мани сўзимдан Фузулий, Навоий, Хўжа Ҳофиз, Бедиллар каби улғу зотларни таҳқир қилди, деб гумон қилинмасун. Чунки мани ғаразим бу китобларни зотан бефойда демак эмас, балки ёш болаларга бу китобларнинг таълими бефойда, демақдир. Мисола бир болага Фузулий ўрнига илми қироат, Навоий ўрнига масоили этиқодия, Хўжа Ҳофиз жойига масоили амалиёт, Бедил бадалига илми ҳисоб ўқитилса, дин ва дунёси учун қанча фойдалар хосил қилиб, мусулмон ўлур. Билъакс, бу китобларнинг ўзи ўқитулгон ҳолда бу фойдалардин маҳрум қолиб, балки фасод ахлоққа мубтало ўлмоғи ҳам эҳтимолдир. Чунки бу китобларни тасниф қилгон зотлар Оллоҳ таолоийға қурбат пайдо қилгон кишилар ўлгонлари учун айтган сўзларининг зоҳири шариатга муҳолиф ўлса ҳам, ҳақиқати мувофиқдир. Чунончи мавлоно Фузулий дерки, фард:

Санамлар саждасидур бизда тоат тангри-чун, зоҳид,

Киши кўрсанг сен, ўз динингда тақлифи намоз айла.

Ёки

Хўблар мехроби абрўсина майл этмаз фақиҳ,

Ўлса кофирдур, мусулмонлар, анго қилманг намоз.


Мавлоно Ҳофиз дерки:

Май нўшки, умри жовидоний ин аст,

Кайфияти рўзгори фоний ин аст.

Ҳангоми гулу, лолау ёрон сармаст, Хушбош, дамеки, зиндагоний ин аст.

Бу каби сўзларнинг зоҳирий муҳолифи китоб, суннат бўлса ҳам, ҳақиқати бир бошқадир. Аммо ёш болалар, шубҳа йўқдурки, буни ҳақиқатда билмаслар. Балки ўқитган муаллимлари ҳам билмаслар. Ночор зоҳири ила амал қилиб, фасод ахлоққа мубтало бўлмоқ хавфи бордур. Баъзи жуҳало дермишки, бу тартиб ҳазрат Имоми Аъзамнинг тартиблари, буни бузаман деган кишининг ўзи бузулур. Ажабо, бу каби жаҳолат ҳам бўлурми? Бу жаҳли мураккаб эмасму? Чунки бу жоҳиллар ҳазрат Имоми Аъзамнинг умрларида бу китоблардин ҳеч бир асар ўлмагонини



© Макс Пенсон

билмаслар. Билмаганларини ҳам билмаслар. Қачон ул жанобнинг замонларида Фузулий ё Бедил, ё Хўжа Ҳофиз, ё Навоий бор эди? Қачон ул жаноб бу китоблардин болаларга таълим бердилар. Ул жаноб каби зотнинг ҳақлариға бу каби бўлгон ифтиро, туҳмат қилгон жоҳилни иншооллоҳ ўзи билур.

Баъзи нодонлар дермишки, шу китобларни ўқимагонча болаларнинг саводи чиқмас. Бу ҳам этиқоди фосид ва даъвоий бедалилдур. Чунки бу этиқод дуруст бўлса эди, Туркистон вилоятининг бошқа вилоятларда ҳеч кимнинг саводи ўлмас эди. Ваҳолонки, бошқа вилоятларда хат билмайдургон киши юздан ўн бўлса, Туркистон вилоятида юздан тўқсондир. Мундин ҳам маълум ўлурки, савод чиқмақ бу китобларни ўқумоққа муваққуф эмас, балки бу китоблар ғоят қийинликидин болаларни бесавод қолмоғига ҳам сабаб ўлур. Чунки бу китоблар ўқилдурғон мактабларда эллик боладин ўн бола тўрт-беш йилда базўр ушбу китобларнинг ўзинигина хатини тануб чикур. Бошқа китобларни яна дуруст билмас. Аммо бу китоблар ўқилмайдурғон жадид мактабларида икки йил ичида эллик болани қирқ тўққизи балки ҳаммаси алаассавия неча хил илмлардан имтиҳон бериб чиқар. Боз бу китобларни ҳам билур. Хайр, дурустроқ ҳам билмасун? Лекин, билмағони бирла бу боланинг на дунёсиға ва на охираатиға ҳеч бир зарари йўқ. Чунки бу китобларнинг ўзини дунё ва охираатга ҳеч бир фойдаси йўқ. Балки зарарининг эҳтимоли болада зикр қилинди. Хайр, келайлик садади каломғаки, ўғлини мактабга бермақдин мақсади нақд ва насия ёздурмоқ ўлгон жоҳил отанинг ўғлиға қилгон муаллим бечоранинг тарбияти, чеккан машаққатини ва маъсум бечораға мактабда берган кулфатини ёзиб битирмақ мумкин эмасдир. Кўргуси ва билгуси келган киши бизнинг Тошканд мактабларининг бирига кириб, икки соат истиқомат қилсун. Шунча демак мумкиндики, муаллим афанди қўлида зўр бир таёқ, қайси боланинг боши ҳаракатдин қолса, ушбу таёқ шу боланинг бошида ўлур. Аммо ўқуғон-ўқумағони ила ҳеч ким-

нинг иши йўқ. Бошини қимирлатиб ўлтирса кифоя қилур. Ҳаттоки, ўтган йилларда бу тариқа зolim муаллимларнинг таёқи остида вафот қилмоқ ҳам воқеъ ўлди.

Бу тариқа зolim ва бадхулқ, жоҳил муаллимларнинг тарбиясида ўсган болалардин нима умид қилмоқ керак? Фасоди ахлоқдин бошқа бир иш ўрганмас. Жоҳил оталарни умид этдуқлари нақд ва насия ёзмок ҳам танҳо ўндан бир, йигирмадан бир болага ҳосил ўлуб, бошқалари эса «мактабда ўқумоқ, игна ила чоҳ қазимокдан ҳам қийин (мушкул) экан», дея-дея қочаркетар. Бунга сабаб муаллимнинг бадхулқлиги, мактабнинг бенизомлиги ўлур. Агар бизларнинг мактабларимиз бошқа миллатлар мактаблари каби бир низомға қўйилиб, яхши муаллимлик вазифасини лозиминча адо қилурлик кишилардин муаллимлар тайин қилинса эди, маъсум авлодларимизнинг руҳини ҳаётиға, дунё ва охираатининг саодатиға биринчи сабаб ўладурғон илм ва маорифдин бу даражада маҳрум ўлмақига сабаб бўлмас эдук.

Эй қардошлар, вой миллатдошлар!!! Кўзимиз ғафлат уйқусидин очиб, атрофимизга назар солмакимиз лозимдир. Ҳар миллат ўз саодат ва истиқболини муҳофазатиға биринчи восита илм ўлмақига қаноат ҳосил қилиб илм ва маорифга ортиқ даражада кўшиш қилган бу замон-да бизлар бу ғафлат ва жаҳолатимизда давом этсак, истиқболимиз ниҳоятда хавфлик ўлуб ҳамма оламга масҳара ва кулгу ўлмоғимизда ҳеч шубҳа йўқдир. Балки, бу жаҳолат зулматида саодати ухравиядин ҳам маҳрум қолмоқ хавфлидир. Бу жаҳолат натижасидурки, ўзимиз ерлик мусулмонлардан ўлдигимиз ҳолда мусофир рус ва яҳудийлар эшигида мардикор ва хизматчи ўлдук. Бу жаҳолат хоҳишидурки, миллат фойдаси учун жонин қурбон қилмоққа лойиқ арслон каби йигитларимиз бутун миллатни ёдларидин чиқориб, истеъдод ва ғайратларини чойхона ва пивахоналарга сарф этмақдадурлар.

Мунаввар қори,
«Тараққий» газетаси, 1906 йил,
14 июнь

Оғзи юмуқ одам покиза бўлади, деган гапнинг икки хусусияти, икки жиҳати бордир. Камгап ва камсуқим, тилга эҳтиёткор одам биронни алдамайди, ҳаром-ҳаришга аралашмайди, имконият даражасидан ортиқ оғиз кўпиртирмайди, залолат ботқоғига ботиб, маломатга қолмайди. Бу – юқоридаги гапнинг биринчи жиҳати. Унинг иккинчи хусусияти эса ислом оламидаги Аллоҳнинг инояти саналмиш бешта арконнинг фарзларидан бири рўзадорлик билан боғлиқдир. Рўзадор кишини халқ орасида оғзи юмуқ одам деб ҳам атайди ва унга нисбатан одамлар бошқачароқ, яъни эҳтиромий муносабатда бўладилар. Нега шундай? Дейлик, рўза кунлари кимгадир билмасдан чой узатиб қўйдингиз. У киши дедиларки, оғзим юмуқдир. Шунда ўзингизни беихтиёр бошқача сезасиз, гарчанд бейб бўлсангизда, унинг олдидан ўзингизни гуноҳкордек ҳисоблайсиз ва узр айтиб, хижолат тортасиз. Ваҳоланки, сизни ҳеч ким рўза тутишга мажбур этган эмас ва этмайди ҳам. Бу – иймон иши.

Демак, рўза иймонлилик ва покизалик мезони ҳамдир.

Кўпчилик рўзани фақат кундуз кун маълум бир муддатда овқат ейишдан тийилишдангина иборат деб билади

ҳамда ўзини ана шу мақомга мослайди. Мен фалон йилдан буён рўза тутиб келаман, деб мақтанади ва катта гуноҳга ботади.

Рўза овқат ейишдан ўзини тийишгинамас, балки инсоннинг жисмоний ва руҳий талаблари, зоҳиран кўзга роҳат туюлувчи барча нарсалардан чекланиши ҳамдир. Зеро, рўзадорларнинг елкасида катта масъулият ҳам бўлади. У биринчи галда руҳан покляниши, фосиқ сўзлардан, гуноҳ амаллардан тийилиши, Яратганга тавба тазарру билан яшаши, солиҳ ишлар билан машғул бўлиши, ҳар қандай шароит-

ҳамдир.

Инсон табиатдаги ва жамиятдаги воқеа-ҳодисаларни кўриб ҳайратланиши, хурсанд бўлиши ёхуд ғам-алам чекиши мумкин. Бу илк назар ва илк таассурот бўлади. Доношлар таъкидлайдиларки, «Кўзларингни юм, то кўнгил кўзлари очилсин, зеро кўнгил кўзи ила ўзга жаҳонни кўриб бўлади». Ўзга жаҳон эса кўнгил тубида ва тафаккур қатидадир. Кўнгил тафаккурни уйғотади, тафаккур кўнгилга таскин беради ва чашми гирёнингиз юмуқ ҳолда кўз ўнгингизда ўзга жаҳон намоён бўлади. Бундай вақтда сизга

рий лутф қиладиларки, «Можаро билан кўрсатилган мурувватга хайрлик йўқдир, гарчанд у (хайрлик) чела-клуб қуйган ёмғир мисоли кўп бўлса ҳам». Зеро, кина ва адоват, миннат суви билан қоришилган мурувват



МУРУВВАТ ОЙИ

да жамият ва Ватан хизматида шай туриши лозим. Ҳазрати Амир Темур сўзларини тингланг: «Пири комил Баҳоуддин Нақшбанднинг «кам егин, кам ухла, кам гапир» деган панду насиҳатларига амал қилдим. Аркону давлатга, барча мулозимларимга ҳам айтар сўзим шу бўлди: «кам енглари – очарчилик кўрмасдан, бойбадавлат яшайсизлар, кам ухланглари – мукамалликка эришасизлар, кам гапиринглари – доно бўласизлар».

Демак, рўза – донолик ойи

бир чимдим сабр-қаноат керак, токи сиз биринчи назарга алданманг ва ғафлатда қолманг. Ҳар бир нарсага бардош ила кўнгил кўзи билан боқинг, бу сизни ҳар хил балои офатлардан сақлайди, сизга хушбахт ва саодатманд истиқбол эшигини очиб беради. Бардошлилик ва сабр-қаноатни эса сиз рамазон кунлари ўрганасиз ва феълингизда чидамлилики туйғуси шаклланади.

Демак – рамазон қаноат ойи ҳамдир.

Абулқосим Замахша-

конфет қоғозига ўралган тош каби дилга ранж солгусидир. Мурувватлилик садаф янглиғ соф, тилла каби тоза бўлмоғи керак. Бундай вазият қачон юзага келади? Қачонки муҳит тоза бўлса, ён-атроф покиза бўлса! Биз юқорида рўзани покизалик ойи ҳам деб атадик. Зотан, айтишларича, бу ойда уруш ва жанжаллар тўхтаган, низолар бартараф этилган. Одамлар хайр-эҳсон ва мурувватлилик билан шуғулланишган. Гуноҳлар кечирилган, айблар авф этилган.

Оламни осойишталик, тинчлик ва мурувват ўз оғушига олган.

Демак, Рамазон тинчлик ва мурувват ойи ҳамдир.

Биз бу муборак ойнинг инсонларга ҳадя этадиган сифатлари хусусида жуда кам сўзладик. Зеро, бу ҳақда бизга довер анчайин кўп ва хўп лутф этилгандир. Хўш, Рамазон ойнинг қалбимизни безайдиган жиҳатлари шунчалик бисёр экан, бизнинг унга нима тортимиз бор? У биздан ҳеч нарса талаб қилмайди, фақат илму амалларимизнинг солиҳ бўлишини сўрайди холос.

Демак, рўза солиҳ ой ҳам экан. Биз шунга муносиб бўлайлик!

Алишер АЙМАТЛИ

LEGAL ASSISTANCE

Для тех кто приехал в США менее трёх лет назад:

- Бесплатная консультация по понедельникам;
- Вся ли помощь вы получили от федеральных и штатных программ?
- Возможна помощь в трудоустройстве (свободный английский, легальный статус);
- Возможна помощь в иммиграционных делах.

2705 Coney Island Ave., Brooklyn, NY 11235
в помещении редакции газеты.

С 9 до 18 часов, только по понедельникам, только в июле. Справки по тел. : 718-374-4815

Сергей



Bright Idea Realty
www.brightidearealty.com

ASHRAF ZAKIROV
Lisenced Real Estate Agent

- ✓ Rentals
- ✓ Properties for Sale
- ✓ Businesses for Sale
- ✓ Sell your property

Address:
8622 Bay Parkway
Suite 2C
Brooklyn, NY 11214

Mob: (646) 520-9774
Fax: (347) 275-1210
E-mail: azakirov@brightidearealty.com
Web: www.brightidearealty.com

KINGS FOOD

International Food Market

1914 KINGS HIGHWAY • BROOKLYN, NY 11229
PHONE: 718-336-8100

SUPERB AUTO LEASING

LEASING | FINANCING | TRADE-IN

Address: 1808 Jerome Avenue, Brooklyn, NY 11235

www.superbleasing.com

Phone: (646) 520-9774

Call now: (646) 520-9774

ТЎМТОҚ ФИКРЛАР

Эркинжон Каримов*

Биринчи тўмтоқ фикр: Нега эркаклар аёлларга қараганда камроқ умр кўради?

Лайлини танлаб мамнун,
Ўлди хор бўлиб Мажнун.

Ширинни суйиб Фарҳод,
Ишқиди этди вафот.

Отабек севган Кумуш,
Орттирди қанча юмуш.

Раънони суйган Анвар,
Ўларди қочмаса гар.

Шундай экан севгида,
Ўлими бор тагида,

Йигит бахти кулмайти,
Ёр васлига тўймайти.

Ўлар ҳар-хил аҳволда,
Хор-зор бўлиб ҳар ҳолда.

Шунинг-чун муҳаббатни -
Йўрғакда теккан дардни,

Кўтаролмай эркаклар,
Дунёни тез тарк этар.

Иккинчи тўмтоқ фикр: Аёл ва хаёл ҳақида

Пайдо бўлибдики дунёда аёл,
Эркак сурар фақат у ҳақда хаёл.

Аёлга ноз-фироқ берилганида,
Муҳаббат жўш урди эркак
қонида.

Аёлнинг ҳуқуқи тенглашган
чоғи,
Тор бўлди эркакнинг очиқ қучоғи.

Аёллар кўпайган сари дунёда,
Ўзгаришлар бўлди шарму-ҳаёда.

Энди эркак эмас ўрнига аёл,
Эркаклар ҳақида суради хаёл.

Учинчи тўмтоқ фикр: Қизларга маслаҳат

Қизлар, майли севинглар,
Майли юринг боғларда.

Хоҳласангиз текис ер
Хоҳласангиз тоғларда.

Майли кезинг бозорни
Йигит билан баъзида.

Ул-бул нарса оббермоқ
Йигитингиз қарзи-да.

Майли боринг кинога,
Тунлари эмас кунда.

Йигитларни чалғитмоқ
Осон бўлади шунда.

Лекин бўлинг эҳтиёт,
Ҳаё қаддин эгдирманг.

«Қалб дафтарин» ўқитинг,
Муқовага тегдирманг!!!

Замондан ҳиссалар

1

Замон келди аёлларга имкон
Бепоён бўлди-
Аёл зотин қудрати аста
намоён бўлди.

Аввалом бор, оиланинг қорнин
боқолмаган эр
Ўрнини хотин босди - эр энди
берганни ер.

Бозор тўла аёллар бизнес
билан банддирлар.
Сўрсанг ажаб, "рўзғорни биз-ку
тебратган" дерлар.

Шундай аёллар эрин боқай
десанг бетига,
Эҳ, аттанг яширинган
хотинининг кетига.

2

Ўсмаман қошинга қўйилган,
Қўлларинг гуллатган хиноман.

Сочингман бемаҳал "сўйилган",
Киймаган дўппингда биноман.

Кўйлакман ярмидан қирқилган,
Лозимман бурчакка отилган.

Мен ўзбек қизининг одоби -
Энг сўнги модага сотилган.

Муаллиф ўзи ҳақида:

Қизиқиши етмишта,
Хунари бир одамман.
Устозлик ота касбим,
Мен иккинчи қадамман.

Математик дейману
Ўз-ўзимни ҳамиша,
Исботлай олдиммикан
Буни амалий ишда?

Илҳом келса тўрт қатор
Ул-бул нарса ёзаман -
Шеърят шолизорин
Эгатларин бузаман.

Мисли Анвар Обиджон
Балки бўларман шоир.
Йўқса айтарсиз, бу ҳам
Ҳаваскорларга доир.

AIRPORT SERVICES IN NEW YORK



ТОШКЕНТГА АВИАЧИПТАЛАР!

Аэропортда кутиб олиб, NYC аэропортидан 300 милгача масофа бўлган бошқа штатларга олиб бориб қўйиш ёки олиб келиш.

AIRLINE TICKETS TO TASHKENT!

Meet you/your guests at the JFK, LGA and Newark Airports and give ride to/from other states up to 300 ml from NYC Airports.

**Asqar
Leo Avia Express** **718-354-5000, 718-570-7007**
Email: flytotas@gmail.com

BRIGHTON FABRICS



301 L.U.G.G.A.G.E

*Sumka, chemodanlar bilan
1988-yildan bezi
Siz bilan!*

Murojaat uchun manzil:
301, Brighton Beach Ave. Brooklyn, New York
Tel. 718.769.1479

ЙЎҚЧИЛИК ВА ТЎҚЧИЛИК

Бир нарсани ҳеч тушунмайман: китоб ўқийдиганларда пул йўқ. Пули кўплар китоб ўқимайди...

ЎЗ УЙИНГ

Кўчада тинчи йўқнинг азоби — бир кун.
Уйда тинчи йўқнинг азоби — бир умр.

ДАСТХАТ

Хаётимда кўп дастхат ёзишга тўғри келган. Китоблар, албомлар, суратлар... Фақат бир гал дастхат ёзиш мушкул иш эканини билганман.

Олис вилоятга борганимизда етимхонага таклиф қилишди. Дастурхон тўкин эди. Ширинликлар... Болаларнинг ўзи пиширган кулчалар... Томоғим хиппа бўғилиб, сув ҳам ўтмай қолди. Кейин концерт кўйишди. Болалар хушчақчақ кўшиқ айтаяпти-ю, йиғлаётганга ўхшайди. Қизалоқлар шўх-шўҳ рақсга тушаяпти-ю, кўзларида мунг бор, ғусса бор... Бир қизалоқнинг оёғидаги туфличалари икки хил.

Учрашув охирида етимхона журналига дастхат ёзишни илтимос қилишди. Узоқ ўйланиб қолдим. Сўнг ёздим: «Шу даргоҳдаги болаларнинг ота-онаси ўлган бўлса, Худо раҳмат қилсин. Тирик бўлса, юзи қаро бўлсин, қаро бўлсин, қаро бўлсин!»

МАНГУ ҲАҚИҚАТ

Она — битта! Ватан — ягона!

ТОНГ ВА ШОМ

Болаликда куёш секин чиқаётгандек бўлаверади.

Кексаликда куёш тез ботаётгандек бўлаверади...

АСЛ АЙНИМАС

Ит тумшугини суққани билан дарё харом бўлиб қолмайди.

Номард тош отгани билан тоғ қулаб тушмайди...

КУЧ ВА АДОЛАТ

Адолат Кучга бўйсунган юрт — вайрон юрт.

Куч Адолатга бўйсунган юрт — бўстон юрт.

ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК

Ўз фурсатида қилинмаган яхшилик — ёмонликка йўл очиши мумкин.

ОЛИЙ ЖАЗО

Африка қабиаларидан бирида жиноят қилган одамни сазойи қилиш, қамаб кўйиш, қатл этиш деган гаплар йўқ экан. Танҳо ўзини қабиладан ҳайдаб юборишаркан, холос...

Аслида одам учун ёлғизлик энг олий жазодир!

Ўткир Ҳошимовнинг "Дафтар ҳошиясидаги битиклар" асаридан олинди.

SKANVORD

| | | | | | | | | | | | |
|---------------------|------------------------|----------------------------------|------------------------------------|--------------------------|-------------------------------|---------------------|-------------------|---------------------------|--------|---------------|-------------------------------|
| | | | | | | | | | | ... та Кристи | Тарихий кўзголон |
| | Қисқартма кўшма сўзлар | Бир ёқли бўлмақ | Юнон мифларидаги гўзаллик тинчлиги | Мавҳум | Қизлар исми Колумбия | | | | | | |
| | | | | Оёғи майиб бўлган | Ахлоқ | | | | | | ... Гранде, дарё, АҚШ |
| | Қаландар | "Чинор остидаги дуэль" даги бола | | | Жамият бўлаги | | | Грамматик категория (рус) | Саёҳат | | |
| | | | | Томас Майн ... | | | | Кейин | | | |
| | Ақалли Кичик сурнай | Уруш | Билим | Рус миллий музика асбоби | | | | | | | |
| | | | | Лампа қалпоғи | | Том ... (Марк Твен) | Худуд, чегара | | | 7 кун | Ҳиндулар қабиласи |
| | | | | Муруватли Ғужанак | Илон, "Маугли" ... роф, муҳит | | | | | | |
| Қаландарсифат Разил | Қарор, амр буйруқ | | | | Кристиан ... | Денгиз жонивори | Денгиз карами | "Боғ ... қўйсам қадам" | | | |
| | | | | | Ошпаз | | | | | | |
| | | | | | Сўл | | | | | | Кутқарувчи, халоскор |
| | | | | Мангулик | | | | Юқнон тури | | | |
| | | | | Бартароф | | Аомин, давлат, Осиё | Телефон станцияси | | | | |
| | | | | ... Гамсун, ёзувчи | | Ўргимчак уяси | | Миртемир достони | | | "... Мўъжизалар мамлакатамда" |
| | Буюк ҳинд актрисаси | Бразилия футболчиси | Германия пул бирлиги | | Хитой халқ қаҳрамони | Россиядаги партия | Тиниш белги | | | | |
| | | | | Бир лаҳза, он | | | | | | Енгил шабада | |
| | Буюртма (рус) | Сув идиш | | Катта ер эгаси | Бошлиқ | Автопойга | | | | | |
| | ...Новости, Россия АА | | | | Пайгамбар | Уй ҳайвони | | Тиниш белги | | | |
| | | | | Пойтахти Вена | | | | ...лик | | | Буюк юнон мутафаккири |

Ўзбек тилида мунтазам маданий-маърифий мақолалар, бадиий-адабий асарлар ҳамда китоблар кўйиб борадиган веб-саҳифа. Сайт ўзбек тилидаги бадиий китобларни жамлаган "онлайн" кутубхонаси билан машҳур. Шеърят, наср, тарих, жаҳон адабиёти дурдоналари ва диний мавзуларда Ўзбекистонда чоп этилган юзлаб китобларни "PDF" шаклида "Кутубхона" бўлимидан топиб ўқишингиз мумкин.

Сайтнинг "Исломи" бўлимида сара исломий мақолалар ва китоблар маърузалар бўлимидан домла бериб борилади. Аудио маърузалар бўлимидан домла Ҳиндистоний, Абдуллажон махсум, Ёрқинжон қори, Раҳматулло қори каби ўзбекистонлик таниқли уламолар маърузаларини ҳамда "Холисли сари" туркум эшиттиришларини тинглашингиз мумкин.

Булардан ташқари, сайтда ҳажвиялар, топишмоқлар, рейтинглар, кроссвордлар каби дам олиш саҳифалари ҳам мавжуд.

Фойдали сайт

www.ziyouz.com

Бу аёлларга хайрон қоласан, киши. Айниқса, хотинимга. Тўйимиздан аввал қанчалик сарвиқомат, нафосатли эди-я... Нақ ўқилмаган китоб. Очиб ўқишга, уни кашф қилишга қанча шошган эдим-а, энди бўлса, баъзан исмини ҳам унутиб юборгим келади. Бу дард ҳамма эркакларнинг бошида бор, ҳеч бўлмаганда, уйла-нишга қарор қилган ҳар бирида. Ҳали бу дардга йўлиқмаган эркакларни огоҳлантириб қўйиш мақсадида ушбу мақолани ёзишга киришдим.


Дейлик, балоғат ёшига етиб, уйла-ниш фурсати ҳам келиб қолди. Ундан ташқари, ота-онада набира соғинчи ҳам уйғонган. Шунга кўра, ўзингизга мос латофатли, нафосатли, ақлу фаросатли ва албатта сарвиқомат ва гўзал киз қидиринг. Бундай қизни топ-гач, севги изхоридан сўнгра, осмонда-ги ойни олиб бераман, деган ваъдани ҳам беришни унутманг. Қизлар бун-дай ваъдаларни жуда хуш кўришади. Ваъдани бераверинг, тўйдан кейин эса уни устидан чиқиш ҳақида келин бола билан ўзаро келишиб олаве-расиз. Ҳозирча эса, бўлажак келин болага “сиз”лаб гапиринг, ширинсўз бўлинг.

Тўй куни охири сабрингизни муш-тингизга йиғинг. Эртадан хотинни тарбиялаш ишларининг йўналишини қарама-қарши тарафга ўзгартиринг. У энди сиз билан бирга уйқуга ёти-ши, аммо сиздан эрта туриши керак. Сиз уйғонганингизда барча кийимла-рингиз дазмолланган, пойафзаллар ярқираган, иссиқ нонушта сизни кутиб турган бўлиши лозим. Хотин бўлмиш келин бола аввалига бу вазифалар-нинг барчасини хурсандчилик билан амалга оширади. Бунинг сабаби эса, тўйдан аввал олиб берилиши ваъда қилинган ойда. Аммо ҳамма нарса ҳам сиз ўйлагандек, силлиқина эмас. Заифанинг ҳам баъзи баъзида эрка-лангиси келиб, эътибор талаб қилиб қолади. Масалан, ишдан келганин-гиздан сўнг у ширинлик егиси кела-ётганини айтди. Бундай ҳолатларда, зинҳор дўкон сари югурманг, хо-тин бунга ўрганиб қолиши мумкин. Дўконга югуришнинг ўрнига, унга ўша ширинликни ўз қўллари билан пиширсан, эртага эрталаб нонуштада мазза қилиб ширинликни истеъмол қилишда ўз ёрдамнингизни таклиф қилинг. Чарчадим, деб баҳона қилса (албатта, бу баҳона, Икки дор кир ювиш, атига уч марта овқат пишириб, уйни саранжомлаб чиқиш билан одам чарчаб қолармиди?), хафа бўлишни ҳам унутманг.

Келин болани кўнгиллари беҳузур бўлаётими? Табриклаймиз, кув-

ENG GO'ZAL YALMOG'IZ

(эркакларга хотин тарбияси ҳақида қўлланма)



бола сиз яқинда ота бўласиз. Тар-биявий ишларга зўр беринг. Энди хотинингиз билан кўпроқ урушинг. У инжиқлик қилиб, йиғласа, уни асло овутманг, эркак асло хотинидан ке-чирим сўрамаслиги керак. Акс ҳолда, бу хотинлар елканга ўтириб олиш-дан тоймайди. Уни ўз ҳолига қўйинг, тўйиб-тўйиб йиғлаб олсин, сиз эса ухланг. Эртаси куни қўйлагимни нега дазмоллаб қўймадинг, деб унинг (ва бўлажак боланингизнинг ҳам) кўнглини “кўтаринг”. Кечқурун дўстларингиз билан учрашувга кетинг, иложи бўлса, телефонингиз ҳам тасодифан “ўчиб” қолсин. Базмдан кеч қайтдинг, уйда сизни ухламай, хавотирда кутиб ўтирган рафиқангизнинг кайфияти (шу билан бирга, қон босими ҳам) кўтарилиб кетиши аниқ. Ахир, у тун билан барча касалхона ва моргларга кўнгирак қилиб, сизни излаган, сиз эса мана соппа-соғ ўз оёқларингиз билан кириб келдингиз. Бир-иккита жойингиз чанг бўлса нима қилибди, йигитчилик!

Фарзанд туғилгандан сўнг, эрка-клар бир хатога йўл қўйишади. Улар хотинларига гул совға қилишади. Умрида бир марта гул олган аёл, энди ҳар тадбирда эридан гул совға қилишини кутади ва умидлари чип-пакка чиққач, хафа бўлади. Бунинг олдини олиш учун унга зинҳор гул совға қилманг!

Туғруқхонадан чиққандан сўнг, дўстларингиз билан бу бахтли ходисани “ювинг”. Яқинда фарзанд-ли бўлган хотинингизга асло ёрдам берманг. Режаларингизга умуман ўзгартириш киритманг. У сизнинг фарзандингизни қараётган бўлса ва ёрдамнингизга муҳтож бўлса, нима

қилибди?

Кечаси билан 5-6 марта бола йиғисидан уйғонган хотинингизни тон-гда уйғотиб нонушта тайёрлаб бериши-ни илтимос қилинг. Уйғонишига 30 со-ния вақт беринг, уйғонмаса, қаттиқроқ овозда уйғотинг, бир йўла болани ҳам уйғотиб юборсангиз, бир қўлида боласи иккинчи қўлида чой-нак билан нонушта ҳозирлаётган аёлин-гизга “тезроқ бўл!”

деб бақириб ҳам қўйинг.

Иложи борича ишдан кечроқ ке-линг. Шунда аёлингиз сиздан болани қарашга ёрдамлашиб юборингиз-ни илтимос қилмайди. Умуман олган-да, бола тарбияси хотинларнинг иши эканлигини унга такрорлаб туринг.

Байрам ёки бошқа тадбирлар-да унга ҳеч қандай совға берманг. Дўстларингиз ёнида заифангизни “ширин” сўзлар билан “сийлаш”ни ҳам унутманг. Бу дўстларингизнинг кўз ўнгида сизнинг хурматингизни оширади. Унга ширин сўзлар гапир-манг, эркаланиб кетади. Унинг ёнида дўстларингизнинг хотини қанчалик гўзаллашиб кетганини эслатиб ту-ринг.

Юқорида айтилганларни тўла амалга оширгангиздан кейин, бир кун келиб ёнингиздаги хурлиқо, нима-гадир ялмоғизга айлланиб қолганини кўриб хайрон бўлманг. Сиз ҳам аллақачон шахзодалик шуҳратингиз билан хайрлашиб бўлгансиз.

Мадина ЗАРИФ

КHAVINSON & ASSOCIATES, P.C.
Американские адвокаты



ЕВГЕНИЙ ХАВИНСОН, ESQ.
(admitted in NY, PA)
Автоаварии, серьезные травмы — максимальная компенсация



ТАТЬЯНА АРИСТОВА, ESQ.
(admitted in PA, NJ)
Иммиграционный адвокат

Member of American Immigration Lawyers Association (AILA)

Сопровождение на интервью и в суд в Пенсильвании, Нью-Джерси и Нью-Йорке

ИММИГРАЦИОННОЕ ПРАВО

- Политическое убежище
- Апелляции и ведение иммиграционных дел в федеральном суде
- Восстановление проигранных дел
- Защита женщин и детей от депортации
- Защита от депортации в иммиграционном суде
- Петиции о прощении и отмене депортации
- Освобождение из задержания

ЛЮБЫЕ ИММИГРАЦИОННЫЕ ВОПРОСЫ в разумные сроки, по разумным ценам

| | |
|--|--|
| <p>ЕСЛИ У ВАС ЕСТЬ ТАЛАНТ... O-1 – Визы для лиц с выдающимися достижениями P-1/3 – Визы для артистов, художников, спортсменов Грин-карты на основе Extraordinary Ability</p> <p>ЕСЛИ У ВАС ЕСТЬ РАБОТА... H-1B – Рабочие визы Грин-карты через трудовой гарант (Labor Certification)</p> <p>ЕСЛИ У ВАС ЛЮБОВЬ... K-1/3 – Визы и грин-карты для супругов, женихов и невест граждан США</p> <p>ЕСЛИ ВЫ СЕБЕ МОЖЕТЕ ЭТО ПОЗВОЛИТЬ... L-1 – Визы и грин-карты для бизнесменов Грин-карты для инвесторов – быстро, но дорого</p> <p>ЕСЛИ ВАМ ПРОСТО ПОВЕЗЛО... Грин-карты на основе DV-Lottery</p> | <p>Philadelphia Office 221 West Street Rd. Trevose, PA 19053 215.355.9095 215.350.7972 (nights, weekends)</p> <p>New York Office 1122 Coney Island Ave. Suite 220 Brooklyn, 11230 718.421.3815</p> <p style="text-align: center;">Пишите нам: tatiana@immigrationwise.com</p> <p style="text-align: center;">Последние новости иммиграционной реформы можно прочесть на нашем сайте: www.immigrationwise.com</p> |
|--|--|

Безвыходных положений не бывает... Мы найдем решение.

Unlimited Business Technologies, Inc.

Sales, Leasing, Service and Supplies

for commercial business equipment

Copiers • Laser Printers • Fax • Commercial Scanners

Excellent prices, Direct lending, Good response time

unlimitedbt@yahoo.com

347-673-5661



Print Only With Us, Corp.

Copies • Color and B/W
Wide Format • Banner printing
BLUEPRINTS Print Copy Scan
Post cards • Promotion Cards • Magazines
Envelopes • Letterheads • Brochures
Business Cards • Flyers • Menus
and much more!

PrintOnlyWithUs@Gmail.com

2456 East 17th Street, Brooklyn, NY

718-615-7900